



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 28-avgust, payshanba, 34 (562)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



## «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

### Мулк ўз эгасини топган юрт

Парламент куйи палатасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилган

Истиқлол йилларида мамлакатимизда одамларнинг мулкка муносабати тамомилан ўзгариши, ишбилармонлик муҳити яхшиланиши, тadbirkor ва фермерлар сафининг кенгайишида соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани ва тобора тақомиллаштириб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишда амалдаги қонун ва қонуноти ҳужжатлари, айни йўналишдаги хорижий тажриба атрофида ўрганилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ана шундай амалий ёндашув лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ҳавола нормаларни қисқартириш имконини бериши билан эътиборга молик.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда мулкка муносабатни ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси сифатида «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Айнан мазкур қонун хусусийлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашда дастурийлашмаган вазифасини бажарди, десак асло муболага бўлмайдими.

2

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 26 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан куйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	2186.48
1 Англия фунт стерлинги	3888.32
1 Дания кронаси	415.93
1 БАА дирҳами	639.26
1 АҚШ доллари	2348.02
1 Миср фунти	328.39
1 Исландия кронаси	20.20
1 Канада доллари	2144.11
1 Хитой юани	381.74
1 Малайзия ринггити	741.40
1 Польша злотийси	740.79
1 СДР	3573.71
1 Туркия лираси	1078.46
1 Швейцария франки	2564.46
1 ЕВРО	3127.51
10 Жанубий Корея вони	23.02
10 Япония иенаси	225.32
1 Россия рубли	65.22
1 Украина гривнаси	175.68

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



**Мустақиллик — энг улуг, энг азиз неъмат. Эркинлик, ҳуррият — таърифта сизга берилган туйғу. Истиқлол — нури истиқболнинг ибтидоси, тобеликнинг интиҳоси. Озодлик — мудроқликнинг поёни, юракдаги зулматнинг адоғи. Эзгу интилишларга қанот бағишловчи ҳам, инсон манфаатлари йўлидаги ислохотлар муваффақиятини таъминловчи қудратли куч ҳам — мустақиллик. 23 йил мобайнида мамлакатимиз том маънода бунёдкорлик ва яратувчилик манзилига айлангани ҳам Истиқлол тўғрисида. Ўз суратлари асосида тайёрланган ўшбу коллаж ҳам шавкатли бобокалонимиз таъбири билан айтилган гапнинг нечоғли ҳақиқат эканлигини кўрсатиб турибди: Биз киммиз? Кимларнинг авлодимиз? Шон-шухратимизга шубҳангиз бўлса, мустақиллик йилларида қурилган иморатларга боқин!**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

Бугун, 28 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилади

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисини ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарда ўтказилган мажлислар ҳамда ўн

бешинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар бўйича хулосалар ва бошқа масалалар юзасидан қарорларнинг лойиҳалари тайёриги ҳақида ахборот берди, ялпи мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашди.

2



### Ота дуосини олган фермер

...Касби туманидаги «Юрт ризқи» наслчилик масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Эсон Бозоров билан мазкур хўжаликни айланиб юрибмиз. Бир томонда шовуллаб турган теракзор. Иккинчи ёқда эса бутунлай бошқача манзара — ҳамма қизғин меҳнат билан банд.

Биноларни оқлаётган йиғитлар, озуқабоп экинлар уруғини саралаётган аёлларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ён-атроф саранжом-саришта. Бир қарич бўш ер борки, турфа хил гуллар экилган. Очиғи, бу жойни чорвачилик фермаси дейишга тилинг

бормайди. Ёзги молхонада йўнғичка майдалаётган йиғитчага нималарнидир ўқтириётган киши бизга пешвоз чиқди.

— Ана, раисимизнинг ўзи, бафуржа сўхбатлашиб оласизлар.

Эллик ёшларни қорала-

ган, бугдойранг, ишчилар коржомасидаги кишига қараб, хайрон қолдим. Пўрим кийиниб юрадиган раислар кўз ўнгимда намоен бўлди. Наҳотки, шу одам...

— Хайрон бўлманг, — деди ҳамроҳим фикримни ўққандек. — Раисимизнинг одати шунақа, ҳамма қатори ишлаб кетаверади. Буйруқ-бозликка тоқати йўқ. Киш яқинлашаяпти. Таъмирлаш ишларини яқунламасақ, кейин шошиб қоламиз. Чунки киш чорвадор учун жуда масъулиятли давр.

4

### Ватан номини улуг'лаган ўсмирлар

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган II Ёзи Олимпия уйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз 10 та медалга (4 та «олтин», 3 та «кумуш» ва 3 та «бронза») сазовор бўлган ҳолда тўрт йил аввал қайд этилган натижани яхшилашнинг улласидан чиқдилар.

Хусусан, 2010 йили Сингапурда ўтказилган I ўсмирлар Олимпиясида 2 та кумуш ва 6 та бронза медал билан тақдирланган вакилларимиз умумжамоа ҳисобда 61-ўринни эгаллаган бўлсалар, «Нанкин-2014» мусобақаси якуниларига кўра 204 давлат орасида 27-погонани банд этдилар.

Биринчи «олтин»ни ўқ отиш спортда Владимир Свешников қўлга киритган бўлса, иккинчи кундан сўнг дзюдочимиз Суҳроб Турсунов шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна иккита олтин медалга юнон-рум кураши баҳсларида барча рақибларини енгган Илҳом Баҳромов (-50 кг.) ҳамда очиллиш маросимида жамоамиз байроқдори вазифасини адо этган боксчимиз Бектемир Мелиқўзиев (-69 кг.) сазовор бўлди.

Бундан ташқари, Умида Абдуллаева (таэквондо), Фарҳодбек Собиров (овир атлетика) ва Сулаймон Латипов (бокс) биттадан кумуш медални қўлга киритган бўлсалар, Суҳроб Турсунов (дзюдо), Алхамжон Эргашев (овир атлетика) ҳамда Тимур Қодиров (спорт гимнастикаси) «бронза»га эга чиқдилар.

### МУСТАҲКАМ БЕШ ОЛТИН ҲАЛҚА

Буюк тушунчаларнинг мазмун-моҳияти даставвал қалб ойнасида, кўнгил кўзгусида акс этади. Онгу шуурда макон топиб, теран тафаккур манзилларида томир ташлайди. Азму шижоат, мardlik булогидан сув инади, фидойилик, ватанпарварликдан куч олиб ўсади. Қатъий интилиш ва астойдил изланиш изчиллигидан барқ уриб ривожланади, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада бўй кўрсатади. Ислохот-

### XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

ларга туганмас илҳом манбаи, тараққиётга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ҳазрати инсоннинг қаддини, қадрини тиклайди.

Шу маънода, истиқлол ва ислохот — эгиз тушунчалар, десак тўғри бўлади. Мустақиллик ҳам, ислохотлар ҳам одамлар яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шароит яратди. Фурур ва тафаккурни уйғотадиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган — мустақиллик. Ислохотлар эса ана шу олий мақсадларни рўёбга чиқариш воситасидир.

Модомики, Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берган машҳур беш тамойилнинг узвийлиги, шишиқ-пухталиги, ҳеч кимдан андоза олинмагани жиҳатидан заргарона санъатга, олтин ҳалқаларга қиёсланаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки бу узвийликнинг тағ-замирда инсон манфаати, Ўзбекистон халқи манфаати ёрқин акс этиб турибди.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!». Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида ҳам айнан мана шу эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш белгилангани биз тилга олаётган тадрижийликнинг амалдаги яна бир тасдиғидир.

Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани қалбларни гурурга тўлдирди.

3

### БУНЁДКОРЛИК ТИМСОЛИ — «БУНЁДКОР»

«Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш, демак». Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақилликнинг илк йилларида эътироф этилган ўшбу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берди, десак адашмаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» шиори остида юртимизда миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилиб, келажакимиз эгаларининг жисмонан ва маънан соғлом улғайиши учун зарур шароитлар яратилди. Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси ташкил этилиб, спортни омалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Эндиликда ўзбекистонлик ёшлар шаҳар ва туманлар марказларида, чекка қишлоқларда, маҳаллаларда барпо этилган спорт мажмуалари ва майдонларида шуғулланиб, саломатликларини мустаҳкамлаш, халқаро мусобақаларга тайёргарлик куриш имкониятига эгалар. Энг муҳими, бу омиллар фарзандларимиз жисмоний кўрсаткичларининг яхшиланишига замин яратмоқда. Ваҳоланки, бундан чорак аср аввал қишлоқдаги мактабга қатнайдиغان болаларнинг кўпчилиги хатто спортзал нималигини билмасди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида жорий этилган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари минг-миглаб ёшларимиз учун юксак марраларни эгаллашда ўзига хос парвоз майдонига айланганини айтиб ўтиш лозим.

3

**ИСЛОХОТ**  
Қуёш фотоэлектр станцияси қурилмоқда

**ЖАРАЁН**  
Ютуқлар таҳлили ва муаммолар муҳокамаси

**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**  
Кенгашнинг БПТга туҳфаси

**МУНОСАБАТ**  
Сифат — маҳсулот кўзгуси

# ПАРЛАМЕНТДА

## Мулк ўз эгасини топган юрт



**Клара ЖУМАМУРАТОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ▼

Ўтган йиллар давомида мазкур қонун асосида хусусийлаштиришнинг янги-янги механизм ва тамойиллари ҳаётга татбиқ этилди. Лекин улар меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, соҳага дахлдор 80 дан зиёд ҳуқуқий норма қонунда ўз аксини топмаган. Бундан ташқари, таҳлиллар давомида унинг кўпгина моддалари ислохотлар ва албатта, хусусийлаштириш жараёнининг айна пайтдаги талабларига жавоб бермай қолганлиги аниқланди. «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси эса бу борадаги барча талаблар инobatга олинган ҳолда тайёрланганлиги билан долзарбдир.

Маълумки, ҳар қандай қонуннинг ҳаётийлигини таъминлашда унинг лойиҳасини атрофлича муҳокамалардан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Хўш, «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳар томонлама ўрганишда ишчи гуруҳи қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратмоқда?

Аввало, иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти жойларда мутахассислар, тадбиркор ва фермерлар, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган семинарларда электрот манфаати нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Бунинг натижасида ишчи гуруҳига кўплаб таклифлар келиб тушди.

**Кўп ҳолларда хусусий сектор вакиллари қийнайдиган муаммолардан бири бу ер ажратиш масаласидир. Яъни, айна кунга қадар бу борада тузилаётган шартномалар асосан бир тамонлама бўлиб, унда мажбуриятларни бажариш муддатлари ҳамма тадбиркорлар учун бир хил эмас эди. Бу эса амалиётда улар учун инвестицион ва ижтимоий мажбуриятларни бажаришда ноқулайликларни келтириб чиқараётганди. Мазкур қонун лойиҳаси эса мазмунан ишбилармонлар, тадбиркорлар, сармоядорлар, давлат органлари учун унинг бир хилда тушунилишини таъминлаб, нафақат давлатнинг мулк эгаси сифатида, балки давлат объектнинг харидори бўлган мулкдорларнинг ҳам ҳуқуқлари бирдай ҳимояланишини эътиборда тутиши билан жамоатчилик назаридаги тортмоқда.**

Кези келганда, мазкур қонун лойиҳаси О'зЛиДеР дастурий мақсадларига тўла мослигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Шу боис фракциямиз аъзолари амалиётда фақат паст ликвидли объектлар «ноль» қийматда хусусийлаштирилмасдан, балки бошқа давлат мулки объектларига ҳам шу тартиб татбиқ этилаётганидан келиб чиқиб, лойиҳанинг тегишли нормасида бу жиҳат ўз ифодасини топиши лозимлигини таъкидладилар. Бу эса тадбиркор ва инвесторларга хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имконини беради.

Қонун лойиҳаси депутатлар муҳокамасидан ўтаётган бир пайтда Президентимизнинг «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши хусусийлаштириш жараёнини янада такомиллаштиришда навбатдаги катта қадам бўлди. Унда нафақат бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланиш чоралари, балки давлат мулки объектларидан фойдаланишнинг бир қанча янги шакллари белгилаб берилган. Шунингдек, хусусийлаштириш жараёнида иштирок этаётган инвесторлар учун қатор қулайликлар кўзда тутилганки, буни мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг соддалаштирилган тартиби дейиш мумкин.

Жумладан, қарорда ваколатли давлат органларининг ҳулю-сасига асосан яроқсиз деб топилган, худудлар кўркини бузаётган бино-иншоотларни бузиш ва бўшайдиган ер майдонларини маҳаллий ҳокимликлар захирасига ўтказиш кўрсатилган. Унга асосан 185 та давлат объекти хусусийлаштирилиши, жумладан, улардан 121 таси инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш мажбуриятини қабул қилиш шarti билан «ноль» қийматда тадбиркорлик субъектларига берилиши республика миқёсида замонавий, рақобатбардор маҳсулотларни тайёрлашга ихтисослашган янги ишлаб чиқариш қувватларининг барпо этилишини кафолатлайди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик туфайли Ўзбекистон мулк эъининг ҳақиқий эгасини топган юрт сифатида ҳам танилди. Бунинг натижасида худудларда янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, минглаб иш ўринлари очилмоқда. Бундай яратувчанлик мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш баробарида халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилаётир. «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга замин ҳозирлаши шубҳасиз.

### ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ — фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирига ёрдам берса, бутун Ер юзи фазилатли бўлади».

Абу Наср ФОРОБИЙ.

## Электорат манфаатига мос ўзгартишлар

**О'зЛиДеР фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлимни ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан тайёрланган мазкур ҳужжат орқали Солиқ кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимча киритиш кўзда тутилган.

О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шавкат Тешаевнинг таъкидлашича, юқорида тилга олинган фармоннинг 8-бандига мувофиқ, хўжалик юртувчи субъектлар кўрсатилган манзилда бўлмаган ёки солиқ ва молиявий ҳисоботлар тақдим этилмаган ҳолларда уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтайтиш давлат солиқ хизмати органлари томонидан фақат суднинг тегишли қаро-

рига асосан амалга оширилиши белгиланмоқда. Шунга қўра, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига ўзгартириш киритиш таклиф этиляпти. Ҳозирда банк миқозларининг салмоқли қисмини тадбиркор ва фермерлар ташкил этишини ҳисобга олсак, мазкур ўзгартиш бевосита О'зЛиДеР электорати манфаатларига мос эканлиги билан эътиборга моликдир.

Йиғилишда, шунингдек, Хўжалик процессуал кодексининг 155<sup>15</sup>-моддасидаги меъёрни юқорида тилга олинган фармонга мувофиқлаштириш назарда тутилганлиги айтиб ўтилди. Муҳокамалар жараёнида ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиши билан муҳимлиги эътироф этилди.

Зеро, партия дастурида ҳам тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш учун иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ша-роит ва кафолатлар яратилиши, мазкур қатлам фаолиятининг ҳар томонлама рағбат-



лантирилиши, хўжалик юртувчи субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши, кичик бизнес йўлидаги мавжуд тўсиқларнинг бартараф этилиши тарафдоши эканлиги қайд этилган. Бир сўз билан айтганда,

юқорида тилга олиб ўтилган қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишлар давлат назорат органлари томонидан корхоналар, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз локомотивига айланган тадбиркорлик субъектлари фаоли-

тига ноқонуний аралашувларга чек қўйиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масала юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ▼

Кенгаш мажлисида Сенатнинг ялпи мажлисида муҳокама қилинган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўйбга чиқариш доирасида тайёрланган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг долзарблиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида муҳим масалалардан бири давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг таш-

килий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириши, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳамда катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва рўйбга чиқариш жараёнида кенг аҳоли қатламларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишнинг самарадорлигини ошириш учун қулай ҳуқуқий майдон яратиши назарда тутадиган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан иборат бўлади.

Сенатнинг ялпи мажлисида биржа фаолиятини янада тартибга солишга, ишби-

лармонлик муҳитини яхшилашга, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини, хўжалик юртувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, сайлов қонунчилигини, суд-ҳуқуқ соҳасини, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Тижорат сири тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилади.

Ялпи мажлисда Бош прокурорнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалдаги

қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати ва уни янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги, Марказий банк бошқаруви раисининг Марказий банкнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари кўриб чиқилади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

### «Boeing»лар ўзимизда таъмирланади

«Uzbekistan Airways Technics» корхонаси таркибида «Boeing» самолётларининг композит (икки ва ундан ортиқ қаватли) материаллардан тайёрланган йirik қисмларини таъмирдан чиқаришга ихтисослашган янги марказ фаолият кўрсатганидан бўлиди.

Podrobno.uz. сайтнинг хабар беришича, «The Boeing Company» (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этиладиган марказ биланлардан тайёрланган йirik қисмларини таъмирдан чиқаришга ихтисослашган янги марказ фаолият кўрсатганидан бўлиди. Podrobno.uz. сайтнинг хабар беришича, «The Boeing Company» (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этиладиган марказ биланлардан тайёрланган йirik қисмларини таъмирдан чиқаришга ихтисослашган янги марказ фаолият кўрсатганидан бўлиди. Podrobno.uz. сайтнинг хабар беришича, «The Boeing Company» (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этиладиган марказ биланлардан тайёрланган йirik қисмларини таъмирдан чиқаришга ихтисослашган янги марказ фаолият кўрсатганидан бўлиди.

Ўз навбатида айна пайтда «Boeing-557» ва «Boeing-767» русумли самолётлар ёрдамида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК 2016 йилда МДХ давлатлари компаниялари орасида биринчилардан бўлиб авиалайнерларнинг янги авлоди — «Boeing-787-8 Dreamliner» ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш имкониятига эга бўлишини айтиб ўтиш лозим.

### Хайрия тадбири

О'зЛиДеР Сирларё вилоят кенгаши томонидан Янгиер шаҳридаги «Муруват» ногирон аёллар интернатига «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва салоҳатим сента бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шуори остида хайрия тадбири ўтказилди. Унда иштирок этган партия фаоллари мазкур маскан ўз саломатлигини тиклаётган 61 нафар аёл ҳамда 56 нафар тиббиёт ходими учун дастурхон ёзиб, уларга совға-салом улашдилар. — Энг азиз ва энг улў айём — Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида партиямиз фаоллари ана шундай қўлуғ кўнларда ногирон, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини давом эттиришмоқда, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва маъсини ошириш бўлими мудир Дилором Қаримова. — Зеро, меҳр-муруват, саҳийлик инсонлардаги энг олижаноб хислатлардан биридир. Шу ўринда «Муруват» ногирон аёллар интернат-уйида замон талабларига мос равишда шарт-шароит яратилгани тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирганини айтиб ўтиш лозим. Дилора ҚОСОНОВА.

## Мукофотлар муборак, маслақдошлар!

**Ватанимизнинг энг улў, энг азиз байрами — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимиз фармонида кўра давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Қувонарлиси, улар орасида қирқдан зиёд О'зЛиДеР аъзоси ҳам бор**

### Ўз мухбиримиз

Самарали меҳнати ва эриш-лаётган ютуқлари билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий кудратини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадрятлар руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси, ватанпарварлиги ва жамоат ишларидаги фаоллиги туфайли хурматга сазовор бўлиб, «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланганлардан бири Қуй Чирчиқ туманидаги «Саид Эркин» фермер хўжалиги раҳбари Эркин Саидқосимовдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 1999 йилда ташкил этилган мазкур хўжалик ҳар йили галла ва пахтадан катта ҳир-лият юритмоқда. Унга 2007 йилдан буён айнан Шавкат ака етакчилиги қилади. Бугунги кунга келиб БПТ аъзолари сони 122 нафарга етган. Уларнинг ташаббуси билан қўшимча 50 та янги иш ўрни очилгани ҳам эътиборга лоийқ.

Дарвоқе, «Ўзабелъ» қўшма корхонасида О'зЛиДеРнинг энг намунали бошланғич партия ташкилотларидан бири фаолият юритмоқда. Унга 2007 йилдан буён айнан Шавкат ака етакчилиги қилади. Бугунги кунга келиб БПТ аъзолари сони 122 нафарга етган. Уларнинг ташаббуси билан қўшимча 50 та янги иш ўрни очилгани ҳам эътиборга лоийқ.

«Шухрат» медали билан тақдирланган партиядошимиз Шавкат Розиков эса пойтахтимиздаги «Ўзабелъ» қўшма корхонасининг бош муҳандиси сифатида фаолият кўрсатади. Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги кўп йиллик хизматлари эътироф этилган Ш.Розиков О'зЛиДеР тадбирларида ҳам фаол қатнашиб, партиявий лойиҳалар самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга астойдил қўмаклашиб келяпти.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг фармонида кўра тақдирланган ҳар бир партиядошимиз ҳақида ана шундай фикрларни билдириш мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, фахрий унвон, орден ва медалларга сазовор бўлган барча маслақдошларимизни ушбу мукофотлар



билан муборакбод этар эканмиз, юрт тинчилиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлидаги интилишларига янги муваффақиятлар тилаймиз. Зеро, элга хизмат қилган кишилар ҳар доим ўз меҳнатидан кадр ва рағбат топишади.

## «Ишбилармон талаба-2014» Ғолиблари аниқланди

**«Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тadbиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тadbирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир!»**



**Зиёдулла МҲМИНОВ, Шухрат РАҲИМОВ, Солиҳ ЗОИР** (фото) «XXI asr»

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобоимизнинг ушбу ҳикматли сўзлари замонамиз ёшлари учун ҳам ўзига хос ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда, десак асло янглишмаймиз. Маълумотларга қараганда, айни кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини навқирон авлод вакиллари ташкил этади. Тadbиркорлик, фермерлик, хунармандчилик билан шуғулланаётган ёшлар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бораёпти. Жумладан, ҳозирда республикамизда 520 мингдан ортиқ тadbиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксариyatини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар бошқаришмоқда.

академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ишбилармон талаба» стипендияси таъсис этилган эди. Мана, ўн йилдирки, ушбу кўрик-танлов республика миқёсида 3 босқичда ўтказиб келинмоқда.

— Партиявий тadbирчи-



«Ишбилармон талаба-2014» стипендияси кўрик-танловининг республика яқуний босқичи бўлиб қаратилган бўлса, 2013 йилда қатнашчилар сони 5 500 нафардан ошди ва 38 нафар йигит-қиз ана шундай имкониятга эга бўлди. Умуман, 2004-2014 йиллар мобайнида академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларидан 36 мингга яқини танловда қатнашиб, улардан 190 нафардан ортиги партиянинг махсус стипендияси билан тақдирланган. Қувонарлиси, ушбу лойиҳада иштирок этган ёшлардан 5 мингдан ортиқроғи айни пайтда ўз кишлоғи, шаҳрида тadbиркорлик, фермерлик ва касана-чилик фаолиyatини йўлга қўйиб, аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётир.

Эслатиб ўтамиз: танловнинг шу йил июнь-июль ойларида бўлиб ўтган худудий босқичларида 6000 га яқин ёш қатнашиб, улардан 42 нафари республика босқичида иштирок эттиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Тошкент вилоyatининг Бўстонлиқ туманидаги «Кўёшли» соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтган рес-

публика яқуний босқичи ҳам эсда қоларли бўлди, десак хато қилмаймиз. Тadbиркорлик палатаси депутатлари, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Урта махсус касб-хунар таълими маркази мутасаддилари, танловнинг худудий босқичларида ғолиб чиққан талаба-ёшлар қатнашдилар.

Тadbир иштирокчилари орасида Зулфия номидagi давлат мукофоти совриндорлари, шунингдек, Президент, Бериуний, Навоий стипендияси совриндорлари кўпчиликини ташкил этади. Бу эса ёшларнинг куч ва иқтидорини рўйбга чиқаришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар ўз самара-

нидан мамнунман, — дейди Самарқанд туманидаги ихтисослашган махсус касб-хунар коллежи талабаси Тўлкин Қаҳқоров.

Тadbирнинг иккинчи куни «Келажагимиз бунёдкорлари» ёш тadbиркорлар форуми доирасида маҳорат мактаби ва интеллектуал олимпиада, «O'zLiDeP билимдони» танловлари ҳамда «O'zLiDeP кубоғи» спорт мусобақалари ташкил этилди. Жумладан, спортнинг шахмат, шашка, теннис ҳамда футбол турлари бўйича ўтказилган беллашувларда юқори ўринни эгаллаган ёшларга партиянинг эсдалик совгалари топширилди.

— Бугун аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди, — дейди Зулфия мукофоти соҳибаси, сурхондарёлик Лутфия Баратова. — Айниқса, ёшларнинг интилиши ва изланишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани таҳсинга лойиқдир. Ушбу танловда асарличилиги ва балличиликини ривожлантириш йўналиши бўйича қатнашиб, O'zLiDeP стипендиясига лойиқ топилганмидан хурсандман.

«Ишбилармон талаба-2014» стипендияси кўрик-танловининг республика яқуний босқичи бўлиб қаратилган бўлса, 2013 йилда қатнашчилар сони 5 500 нафардан ошди ва 38 нафар йигит-қиз ана шундай имкониятга эга бўлди. Умуман, 2004-2014 йиллар мобайнида академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларидан 36 мингга яқини танловда қатнашиб, улардан 190 нафардан ортиги партиянинг махсус стипендияси билан тақдирланган. Қувонарлиси, ушбу лойиҳада иштирок этган ёшлардан 5 мингдан ортиқроғи айни пайтда ўз кишлоғи, шаҳрида тadbиркорлик, фермерлик ва касана-чилик фаолиyatини йўлга қўйиб, аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётир.

сини бераётганидан далолатдир. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ушбу тadbир орқали жойлардаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари орасида ўзининг қўллаб хайрихоҳлигига эга бўлмоқда.

Кўрик-танловнинг даст-



лабки куни ташкил қилинган кўргазмада ёшлар қўли билан тайёрланган касб-хунар, амалий тadbиркорлик намуналари, ишлаб чиқаришга оид технологиялар намойиши этилди. Иштирокчиларнинг ижтимоий-сиёсий, партиявий билимлари синовдан ўтказилиб, ҳақамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

— Мен танловда касб-чилик йўналиши бўйича қатнашдим. Ишларим танлов ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, «O'zLiDeP стипендияси»га лойиқ топилган-

ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг давлат ва жамият қўлинидаги иштирокини кенгайтириш, касбий, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган партиявий лойиҳаларни изчиллик билан амалга ошириш ҳамда диққат марказида бўлиши лозим. Зеро, бу ислохотлар изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тadbир якунида ғолибларга партиянинг махсус дипломлари, эсдалик совгалари топширилди.

## Бурятия бозорларига чиқамиз

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимидаги тижорат ташкилотлари — «Markazanoateksport» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси Россия Федерациясининг Бурятия Республикасида янги ва қайта ишланган савдо ва товарлар, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотларини етказиб беришга тайёрлигини маълум қилди. «Байкал Финанс» ахборот порталининг хабар беришича, «Markazanoateksport» мутахассислари Бурятияга бориб, Жанубий Сибирда мазкур товарларга бўлган эҳтиёжни ўрганишди. Шу ўринда компания томонидан тақдим этилган рўйхатта сифати асл ҳолига сақланган ва қайта ишланган 70 номдаги маҳсулот киритилганини айтиб ўтиш лозим.

## Хўжакентда етмиш, Юсуфхонада тўқсон

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастурга асосан вилоyatда янги меҳмонхоналар ва кемпинглар барпо этилиб, бундан аввал қурилган иншоотлар қайта таъмирланмоқда.

Хусусан, жорий йилда Бўстонлиқ туманининг Хўжакент кўрғонида 70, Юсуфхонада эса 90 ўринали янги меҳмонхоналар ишга туширилган бўлса, «Оқтош» сижатгоҳи капитал таъмирдан чиқарилди.

Ўз навбатида, мазкур дастурга кўра, вилоyatда яна 30 та меҳмонхона, мотель ва кемпинглар қурилиши, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 28 та бино қайта таъмирланиши белгиланганини айтиб ўтиш лозим. Эътиборлиси, бу боралда амалга оширилган ишлар учун жами 1 триллион 561 миллиард 816 миллион сўм маблағ йўналтирилгани кўзда тутилган.

## Қуёш фотоэлектр станцияси қурилмоқда

Маълумотларга кўра, Пастларғом ва Нурубод туманлари худудига бунёд этилаётган мазкур станция қурилиши учун 404 гектар майдон ажратилган бўлиб, ушбу лойиҳага сарфланган 310 миллион долларга тенг маблағни Осие Тараққиёт банки кредити, шунингдек, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАК инвестициялари ҳисобидан қоплаш режалаштирилган. Станция 2016 йилда фойдаланишга топширилади.

Аҳамиятлиси, олимлар қуёш қурилмаси қарийб 51 миллиард тонна нефтни тежашни, энг муҳими, ана шунча ёнилган чикадиган захарли газлардан табиати ҳимоя қилишни таъкилламоқдалар. Бундан ташқари, мазкур станция фаолият бошлаши билан қарийб 100 нафар киши иш билан таъминланади.

Ўз муҳбиримиз.

## МУСТАҲКАМ БЕШ ОЛТИН ҲАЛҚА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Шу ўтган даврда бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, дину диёнагимиз, кўҳна урф-одат ва аъналаримизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдирини ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётгани бошқаларининг ҳавасини тортмоқда.

## XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БҮЛДИК?

Истиқлол халқимиз учун янги имкониятлар туғдириб бераётганини, ҳар бир юртдошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиyatини намойён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч қандай кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишининг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини яна ва яна тақдорлагинг келайди.

Еши улуг инсонлар, кўпни кўрган кишилар, ҳаёт муаллимларининг бу мавзудаги фикрлари беихтиёр бир нуқтага қелиб биришади. Мазкур яқиниллик собик тоталитар тузумнинг манфур башарасини очиб беради.

«Миллат қадрини ўйлаганлар — «миллатчи» деб маломат қилинди. Жамиятнинг нуфузли қатлами бўлган тadbиркор мулкдорларни — «синфий душман», ер-сув эгалари, бир неча таноб жойи бўлган қўлигул деҳқонларни — «қулқоқ» деб айблади. Насл-насабинингиздан оғиз очсангиз — «ирқчи»сиз. Ўз халқингиз тарихини билишни истасангиз — нияти бузуқ, худбин, «ёт унсур»сиз. Она тилида илмий фикрлашга журъат этсангиз — қолоқсиз. Она ватанингиздан сўзласангиз озингизга урдилар. Вафот этган отангизга жаноза ўқитсангиз, ишдан ҳам қувиласиз. Ўғлингизга хатна қилдирсангиз ҳам бир наво.

Яқин ўтмишимиздаги ана шундай ҳолатларни ўйлаганда, ўша воқеалар бирин-кетин кўз олдингизга кела бошлайди. Масалан, мен Тельман номидagi мактабда ўқиганым. Урганадиган бошқа илим йўқдан шу кишининг ким бўлганини, қаерда тутилгани, нима иш қилганини хронологик изчилликда билишимиз, энг қизиғи, ул зотга муносиб бўлмоғимиз, у билан

фахрланишимиз лозим эди.

— Бир ҳафтадан кейин мен билан бирга Крупскаяга (унинг номидagi мактабга демокчи) борасан, — деди ўқитувчимиз бир куни. — Олимпиадада асосий рақибинг Лениннинг бир боласи билан Кировнинг қизи бўлади. Калинин ҳам қаттиқ ўқийтган эмиш. Айтганларимни қилиб, яхшилик бўлади. Тельманнинг обрўсини тўқмасдан, биринчи ўринни олишинг керак.

— Тушундим, худо хоҳласа, албатта оламан.

— Бундай сўзларни ишлатмагин, дегандим-ку! Худо йўқ. Кейинги гал «Атеист бурчаги»ни ўзингга қилдираман.

Ўқитувчилар хонаси томон ўғирлиб кетар экан, устозимнинг лаблари пичирлади: «Эҳ, худойим, ўзинг кечиргин...»

Ҳозир ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган ўзгаришларга назар солар эканмиз, ўзбекча қилиб, илоҳим, кўз тегмасин дейимиз. Чиндам ҳам, мустақиллик йилларида Ўзбекистон барча оғир синов ва қийинчиликлардан муваффақиятли ўтди. Ва биз бугун бунга фахр билан баррала айтаемиз.

Ватанимиз жамоли кўз ўнгимизда ўзгариб бораётир. Ўзбекистон мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги билан ажралиб турибди. Тинчлик-оқшайш, хотиржамлик ҳукм сураётган юртимизнинг ҳар бир шаҳрида, чекка қишлоқ ва овулларида ҳам бунёдкорлик ишлари авждида. Неча-неча завод ва фабрикалар, кичик корхоналар кетма-кет ишга тушмоқда.

Мустақиллик ҳақида гапирганимизда, аввало, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан янги давлат барпо бўлганини кўзда тутамиз. Бироқ масаланинг яна бир муҳим томони бор. У ҳам бўлса, халқимиз онгида миллий гурурининг тикланганидир. Ҳар томонлама озод, эркин, хур эканлигимизни теран англаб олдик. Юксак маънавият — энгилмас қучлигини ёшу қари қалбан ҳис қилаётимиз.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори беқиёс даражада юксалди. Узоқ-яқин юртлардаги анжуманларда Ўзбекистон номини катта ҳурмат билан тилга олмоқдалар. Бу буюк ва шарафли йўлда бораётганимизнинг шиорентаси янглиг намоян бўлиётган тасвирларидир.

Қиш кўйида баҳор, гўнча бағрида гул, ёшликнинг сийнасида эса келатган муносиб бўлмоғимиз, у билан

юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга алоҳида эътибор ва гамҳўрлик кўрсатилаётгани бежиз эмас. Бунинг аҳамияти шундаки, ҳаётни чуқур билиб, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларни эгаллаган йигит-қизлар қоқимандаликдан йироқ бўлади. Зеро, мамлакатимизнинг эртанги куни, миллатимиз тақдирини, ҳаётини қўлга олишда эгаллаган йигит-қизлар рўйхатининг ўзи кўп вақт ва катта жой олади.

Қуруқ бўлмаслиги учун биргина мисол: футбол дунёдаги биринчи рақамли спорт тури экани ақсома. Ҳозир бу мафтункор оламнинг барча «фукаро»лари ўзбек йигитига кўз тикиб турибди. Унинг ҳуштак чалиб, қўлини кўтаришига илҳақлар бир неча миллион, десак адашмаймиз. Етти иқлим ҳақамлари орасида энг юқори рейтингга эгаллигичи-чи!

Айтингчи, Ўзбекистон мустақил бўлмаганида, юртимизда ёшларга шароит яратилмаганида Равшан Эрматов ҳозир нима иш қилаётган бўларди? Унинг даврони келгани истиқлол боис эмасми? Санайман десангиз, бундай йигит-қизлар рўйхатининг ўзи кўп вақт ва катта жой олади.

Олтин зангламайди. Азалдан мавжуд ибора бу. Ҳатто бутун дунёни ларзага солган молиявий инқироз ҳам шу гап нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлади. Глобал муаммо жаҳондаги мана-ман деган давлатларни катта ташвишга қўйган вақтда Ўзбекистон бу қийинчиликни оғир жараҳатсиз ўтказди. Тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган олтин ҳалқалар иқтисодий бўҳрон тўфонлар йўлида метин қалқон бўлди. Чинакам заргар захматни завол билмаслигининг далили бу. Бошқа «уста»ларнинг билла-билмай ундан қолип олаётгани ошкора эътирофнинг ўзгинаси эмасми?!

Иморатнинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворидаги болблқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик узоқ ва дахкам туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай муҳташам бино бир марта бурдон турса бас, шу заҳоти қулаб тушади. Бунга айни кунларда яқин атрофимиздаги воқеалар мисолида яна ва яна бир бор амин бўлаётимиз.

Ўзбекистон истиқлолнинг пойдевори етти эмас, етмиш ўлчаб кесилган, таъмал тоши тиллодан қўйилган. Олтин эса вақт ўтган сайин қўзини қувнатиб, дилни яйратиб тураверади.

Озод РАҲАБОВ.

## БУНЁДКОРЛИК ТИМСОЛИ — «БУНЁДКОР»

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ўз навбатида беллашувлар ўтказилган худудларда янгидан қурилган, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилган иншоотлар, стадионлар, сузиш хавзалари шу жойларда спортнинг ёшлар ўртасида янада омаллашишига хизмат қилмоқда.

— Собик иттифоқ даврида футболчиларимиз иштирокидаги халқаро учрашувлар «Пахтакор» стадионида ташкил этиларди, — дейди миллионлар уйинининг кўп йиллик ишқибози Акбар Жаъфаров. — Аммо ундаги шароитларни яхши, деб бўлмасди. Муҳлислар цементли зинапога устига маҳкамланган суянчиқсиз ёғоч ўриндиқларда ўтиришарди. Мазкур тахталарнинг аксарияти емирилиб кетгани боис айрим ишқибозлар футбол ўйинларини бетон устига газета солиб томоша қилишга мажбур бўлишарди. Қувонарлиси, мустақиллик йилларида бу стадион тубдан таъмирланди. Айни пайтда «пахтакор»чилар меҳмонларни жаҳон талабларига жавоб берадиган майдонда қабул қилмоқдалар.

Умуман олганда, кейинги йилларда мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида Қарши, Андижон, Фузур, Наманган, Фарғона, Урганч, Самарқанд, Олмалик, Бекобод ва Навоий каби шаҳарларда замонавий стадионлар қад ростлади.

Пойтахтимизда эса «Пахтакор»дан ташқари, яна бир нечта янги ўйингоҳ пайдо бўлди. Хусусан, нафақат маҳаллий, балки хорижий муҳлислар ҳавасини уйғотадиган даражада қурилган «Бунёдкор» спорт мажмуаси барчамизнинг фахримизга айланди.

— «Бунёдкор» стадиониغا илк марта 2014 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш баҳсларидан ўрин олган Ўзбекистон ва Ливан терма

жамоалари ўртасидаги учрашув пайтида кирганман, — дейди Бектемир туманидаги 293-мактаб ўқувчиси Дилмурод Ҳамидов. — Очиғи, ҳашаматли стадионни кўриб, ёқамни ушлаб қолдим. Ўзимни эса телевизор орқали кўрсатиладиган, «Барселона» ёки «Бавария» каби машҳур клублар иштирокидаги ўйинлар бўлиб ўтадиган ўйингоҳга бориб қолгандек ҳис қилдим. Фарқли томонини, томоша секторлари муҳлислар саъй-ҳаракатлари билан миллий байроғимиз каби кўк, қизил, оқ ва яшил тусга «бўялганди». Ватанимиз мадҳисини анграган пайтда футболчиларга қўшилиб бутун стадион қўйлай бошлаганида ҳаяжондан қўйиб қолгандим. Дадам ва амакиларимнинг айтишича, эски «Пахтакор»да кўпинча радиокарнавал ҳам ишламай қолар, мураббийлар ва футболчилар иштирокидаги матбуот анжуманлари эса нураб кетган хонада бўлиб ўтаркан. «Бунёдкор»да эса бу борода ҳавас қилса арзиғулик шароитлар муҳайё.

56 гектар худудни эгаллаган спорт комплекси жаҳон талабларига мос келади 7 та майдон, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, бассейн ва бошқа иншоотлардан иборат.

Футболга ихтисослашган мажмуа таркибидан спортчилар, ҳақамлар, мураббийлар ҳамда маъмурий учун алоҳида-алоҳида хоналар, шунингдек, матбуот анжумани зали, футбол клуби музейи, учта ресторан ва фитнес маркази ўрин олган. Стадион замонавий аудиотизим, 11х7,5 метрли видеомонитор, улкан ёриткич-миносралар билан таъминланган. Бағрига 35 минг томошабинни сийдира оладиган ўйингоҳ майдони атрофи бўйлаб рекамаларни жойлаштиришга мўлжалланган видеоборт ўрнатилган.

Янги аренанинг ўзига хос жиҳатларидан бири — мембронали томнинг оппоқ орзулар тимсолига ўхшатиб лойиҳалаштирилганида, десак адашмаймиз. Маълум бўлишича,

умумий майдони 3 902 квадрат метрни ташкил этувчи томини кўтариб турувчи конструкциянинг қурилиши учун 3 700 тонна пўлат сарфланган. «Шарқ маъшала» деб номланган ёритиш тизими ёрдамида эса тунгги вақтда стадион кундузгидан ҳам ажиб қиёфага киради.

— Мустабид тузум даврида ўзбекистонлик спортчиларни хорижага олиб чиқиш амримаҳол эди, — дейди «Оқтепа» футбол клуби матбуот котиби Фурак Нишонов. — Айтайлик, собик иттифоқ терма жамоасидан ўрин олиш учун аввал маҳаллий мутасаддилардан, кейин эса марказдан рухсат олиш керак эди. Халқимиз кўксига эркинлик шабадаси урилганидан сўнг эса спортчиларимиз учун Олимпиада ўйинлари, турли спорт турлари бўйича ўтказилган Осие ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб, Ватанимиз довруғини дунёга танитиш имкони туғилди.

Дарҳақиқат, илгари Ўзбекистон қаерда жойлашганлигини билмайдиган хорижликлар энди бокс, футбол, эркин ва юнон-рум кураши, теннис, дзюдо, гимнастика, оғир атлетика, шахмат, эшак ошиш бўйича ўтказилган нуфузли мусобақаларда спортчиларимиз билан ҳисоблашган ҳолда беллашадиган бўлдилар. Аббос Атоев, Мухаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Хайдаров, Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, Артур Таймазов, Руслан Нуриддинов, Рустам Қосимжонов, Вадиқ Меньков, Денис Истомин сингари юзлаб ҳамюртларимиз, жумладан, Аҳмадjon Мусаев, Алексей Евстафеев, Дилшод Нуралиев мураббийлигидаги ёш футболчиларимиз йилри мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олдилар. Ўнг муҳими, катта спорт ареналари узра вакилларимиз ютуқлари шарафига байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямизнинг янграши одатга айланди. Бу эса «Ким эдиғу ким бўлдиқ!» саволига яна бир аниқ жавобдир.

Шухрат ХҲЖАЕВ.

# ЖАРАЁН

## Ютуқлар таҳлили ва муаммолар муҳокамаси

**Халқ депутатлари Когон туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди**

**Асхор ИСТАМОВ,**  
«XXI asr»

Эътироф этилганидек, айни пайтда тумандаги «Ниез Хожи», «Когон» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва Сухор МФЙ ҳудудида «Хушвақт чевар», «Ибонур плюс кум шагаллари», «Асадбек Зарипов Адизович», «Раҳимов Алишер Ботирович» номи кўлаб оилавий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уларга тижорат банклари томонидан ўртача 10-17 миллион сўм миқдориди имтиёзли кредитлар ажратилган. Ана шу ҳисобдан қўшимча иш ўринлари яратишга муваффақ бўлган «Анваршоҳ Азизбек Муҳаммад», «Курилиш-конструкциялаш», «Зугега», «Боқиев Шухрат» савдо корхоналарида бугун 60 нафарга яқин аёл касаначилик билан шуғулланмоқда.

**«Микрокредитбанк»нинг туман филиали томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларига 193 миллион сўм, жумладан, 8 нафар тадбиркор аёлга эса 37,8 млн. сўм миқдориди кредит ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15 фоизга кўпдир. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 13 нафари 60,9 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан ўз бизнесини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлди.**

Туманда фаолият кўрсатаётган 746 нафар O'zLiDeP аъзосининг 246 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улардан 25 нафари тадбиркорликнинг у ёки бу тури билан машғул. Электрорат фаоллари саналадиган 8 нафар аёл эса фермер хўжалиқлари раҳбарлик қилишмоқда. Халқ депутатлари туман кенгашига партиядан сайланган 24 нафар депутатнинг 7 нафари ҳам хотин-қизлардадир.

Жамият ҳаётида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш O'zLiDeP туман кенгаши ва депутатлик гуруҳи диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир. Шу боис тадбиркор аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, молия муассасалари томонидан уларга имтиёзли кредитлар ажратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, «Микрокредитбанк»нинг туман филиали томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларига 193 миллион сўмлик, жумладан, 8 нафар тадбиркор аёлга 37,8 млн. сўмлик микрокредит ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15 фоизга кўпдир. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 13 нафари 60,9 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан ўз бизнесини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлди.

Бир йил муқаддам «Саноатқурилишбанк»нинг туман бўлими томонидан С.Атаева раҳбарлигидаги «Ободлик кафтадаги дон» оилавий корхонасига «Wohel» (Германия) русумли технология линия харид қилиш учун 250 млн. сўм сармоя ажратилган эди. Эндиликда бу ерда ҳар кеча-кундузда 40 дан ортиқ турдаги нон маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Корхонада 10 дан зиёд хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. «Агробанк»нинг туман филиали томонидан ажратилган 300 млн. сўмлик кредит эвазига тумандаги «Уриқзор» маҳалласида ташкил этилган тикув цехи ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Бу ерда 30 та янги иш ўрни очилган бўлиб, чевар аёллар қўли билан яратилган тикувчилик буюмлари юқори сифати билан ажралиб туради. Шунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Йиғилишида туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси О.Ачилдиева, «Микрокредитбанк» туман бўлими бошлиғи О.Насимов, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг туман филиали раҳбари Н.Шамсиевнинг кун тартибидидаги масалага оид ахборотлари тингланди.

Когонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бинобарин, улардан самарали фойдаланиш, аёлларга яқиндан ёрдам кўрсатиш, қонунларда белгиланган имтиёз ва преференцияларни амалда жорий этиш диққат марказида бўлиши лозим. Ушбу соҳада партияннинг барча бўғинлари, айниқса, бошланғич ташкилотлардан янада катта масъулият ва талабчанлик билан иш юритиш талаб этилади.

Йиғилишида O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Ф.Аминов сўз олиб, мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — шу йилнинг декабрь ойида парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масаласига эътибор қаратди.

— Сайлов натижалари белгиланган сайлов округлари ва участкаларида ушбу жараённинг нечоғлиқ мувофиқлаштирилишига кўп жиҳатдан боғлиқ, — дея таъкидлади у. — Бинобарин, масъулиятли палла арафасида бошланғич партия ташкилотлари билан сайловчилар ўртасида ишончли ҳамкорликни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Фақат шу йўл билан партияннинг дастурий гоё ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, депутатлик номзоди кўрсатилган сафдошларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, демократик сайлов қонунчилиги тамойилларини тўла рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлаемиз.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида ечимини кутаётган айрим муаммолар, жумладан, транспорт воситалари қатнайдиған йўлларнинг носозлиги, баъзи ҳудудларда тадбиркор ва фермерларга кўрсатилаётган банк хизматлари даражаси пастлиги тилга олиниб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартаараф этиш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

### ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз иштини қойиб қилиб бажаришидадир».

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

## Ота дуосини олган фермер

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
«XXI asr»

— Йўқ демасангиз, йўл-йўлакай гаплашиб олсак, — деди хўжалик раиси Насрулло Худойбердиев салом-аликлардан сўнг. — Хизмат юзасидан икки кунга Тошкентга кетувдим. Режалаштирилган ишлар шунчалик кўпки, 24 соат ҳам камлик қилаяпти. Чорвани назоратсиз қолдириб бўлмайди. Ўтган йили бир устозим мени ёнига, пойтахтга чорлаб, нуфузли идорадан яшигини иш тақлиф қилди. Рози бўлмадим. Не-не машаққатлар билан оёққа қўйган хўжаликни ташлаб кетиш осон, деб ўйлаётсанми? Чорвадорнинг ирода ва матонати молнинг туёғидай мустаҳкам бўлиши керак. Акс ҳолда кўзлаган мақсадига эришмайди. Биз ҳам фермани шу даражага етказгунча анча қийинчилик кўрдик. Йигирма йилча олдин келганингизда бутунлай бошқача манзаранинг гувоҳи бўлардингиз.

... Уша йили баҳор қургоччил келди. Осмонга кўз тиккан одамларнинг умидлари сароб бўлди. Ёмгир ёғмади, бошоқлар сувга тўйинмади, лалми майдонлардаги галла майсалари ўроққа илашмади. Ем-хашак тақчиллиги баҳорданок сезила бошлади. Уша пайтдаги ширкат хўжалигига қарашли чорвачилик фермасида вазиёт оғирлашиб борар, раҳбарлар каттиқ ташвишга тушиб қолишган эди.

Ана шундай кунларнинг бирида умр бўйи чорванинг ноини еган Файбулла ота ўғли Насруллони ёнига чорлаб, дилдагини айтди.

— Ҳаммасини кўриб, билиб турибман, ўғлим. Бу кетишда фермада бирорта мол қолмайди. Зудлик билан аҳволни ўнглаш чорасини кўриш керак. Ўзим шуғулланадиган десам, қарилик панд бераяпти. Дадил бўл, иродангини қўлга ол.

— Билмадим, ота, — деди ўғил иккиланганча. — Ферманни-ку бир амаллаб сақлаб қолармик. Аммо озуқа масаласи-чи? Озуқасиз чорвани қайта оёққа қўйиб бўлмайди. Ем-хашак таъминоти тобора оғирлашиб бораёпти. Сув йўқ, ҳосилнинг чўғи кам.

— Сен аввал чорвани ўйла, сув таъминоти бир гап бўлар. Қолаверса, ферманни асраб қолсанг, қишлоқдаги юзлаб оилаларнинг савобини оласан. Чунки улар шу ердан

### «Аёллари эъзозланган юрт»

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Нукус Олимпия захиралари коллежиди яна шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Жўржон Кенгес депутатлари, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими мутасаддилари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг самаралари ҳусусида сўз юритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси «Она ва бола скрининг маркази» директори Амина Қаландарова хотин-қизларнинг саломатлигини асраш, ҳомиладор аёлларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш, ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олишда марказ олиб бораётган ишлар ҳақида тўхтади.

— Партия томонидан хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш борасида турли тадбир ва семинар-тренинглар ўтказилиб келинмоқда, — деди O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Аёллар билан ишлаш бўлими mudiri А.Юсупова. — Бугунги давра суҳбати уларнинг навбатдагисидир. Тадбир давомида бошланғич ташкилотлар ишида фаол қатнашган ходимларга партия ташаккурномалари билдирилди. O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

ризқ-насиба топишяпти. Чорванинг ичиди катта бўлганман, унинг сир-синаоти менга яхши маълум. Моллар зотини яхшилаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, зооветеринария ишларини ўз ўрнига қўйиш лозим. Ана шунда марра сеники!

Ота дуосини олган Насрулло эзгу мақсад сари бел боғлади. Таназул ёқасига келиб қолган чорвачилик мажмуасини қайта тиклаш осон эмас эди, албатта. Етмишдан ошган Файбулла ота ўғлига маънавий таянч бўлди, хўжаликни қайта оёққа қўйиш учун қимматли маслаҳатларини аямди.

Касбиди оқова сув бироз тақчилроқ. Айниқса, ёз ойларида чорва озуқаси етиштириладиган майдонларни суғориш мушкуллашади. Нима қилиш керак? Фидойи, тиниб-тинчимас фермер бор маблағини сарфлаб, артезиан кудуқ қовлатди. Сув танқислиги сабабли тўхтаб қолган биогумус ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Жамоа сафлари иқтидорли, ташаббускор ёшлар ҳисобига кенгайтирилди. Уларнинг фаолиги эндиликда барча соҳада яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, ҳар йили минг тоннадан ортиқ биогумус, яъни ер озуқаси тайёрланяпти. Унинг харидорлари вилоятдаги фермер хўжаликларидир.

— Маънавий рағбат кишига янги куч ва илҳом бағишлайди, — дейди Насрулло Худойбердиев. — Президентимиз Қашқадарёга навбатдаги таширфилари чоғида озуқабоп экинлар уруғини етиштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Ўйлаб қарасам, вилоятда бу иш билан шуғулланаётган фермерлар озчилигини ташкил қилар экан. Ҳамма гап табиий клим шароитига мос, сувсизликка чидамли озуқабоп экинлар уруғларини излаб топишда эди. Ниҳоят, бу мақсадимиз ҳам амалга ошди. Айни пайтда 50 гектар майдонда кунга-боқар, шакарқамиш, оқ жўҳори, беда, лавлаги, арпа, сули уруғлари етиштириб, фермер хўжалиқларига сотаяпмиз. Бу йил ялпи уруғлик ҳосил 40 тоннадан ошди. Чорва — озуқа билан тирик. Шундай экан, озуқабоп экинлар етиштириш жўрларда биринчи даражали масалага айланиши лозим.

Тажрибадан маълумки, сутини тайёр маҳсулот сифатида сотиш қўшимча даромад келтиривди. Шунга ҳисобга олган Н.Худойбердиев банкнинг мо-



лиявий кўмағида қайта ишлаш цехини барпо этди ва 10 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлади. Бугунги кунда «Юрт ризиқида» хориждан келтирилган 600 бош «Қизилчўл» зотли чорва моллари парварिश қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 332 тонна сарқаймоқ сут етиштирилди. Ўттиз турдаги тайёр маҳсулот эса жамиятнинг Қарши шаҳридаги «Шамс Юрт» савдо дўқони орқали аҳоли дастурхонига тортиқ этилаёттир.

Сўхбатдошимиз каттарин, тиниб-тинчимас, самимий инсон. Жамоада маданий-маърифий ишларни яхшилаш, ходимларнинг дам олиш соатларини мазмунли ташкил этиш, турли спорт мусобақалари, кўнгилчор тадбирлар уюштиришга астойдил ҳаракат қилади.

Фермадаги ишлар билан танишиб бўлган, мени офисга бошлаб кирди. Маълум бўлишича, чорвачиликни ривожлантириш, қургоччиликка чидамли озуқабоп экинларнинг янги навларини яратиш устиди илмий изланиш олиб бораётган экан. Шу боис хонада қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар, турли журналларни кўриб ажабланмадим.

O'zLiDeP фаоли Насрулло Худойбердиев ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси, деб ҳис қилади, кўзлаган мақсадларига эришиш учун тинимсиз изланади. Шу боис унинг галлачилик, чорвачилик ва паррандачиликка иxtисослашган

хўжалиги йил сайин тараққий этмоқда. Қисқаси, ер билан тиллашишни жойига қўйган, сувдан оқилонга фойдалана оладиган, билимдон иқтисодчи, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни ўрнига қўйдиган замонавий ўзбек фермернинг ўзгинаси! Жорий йилда 88 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнерга яқин галла йиғиштириб олган фермер O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг эсдалик совғаси билан тақдирланди. Бир об-ҳаво нуқуллай келган бир шароитда бу вилоятда энг юқори кўрсаткичдир.

Шунингдек, амалдаги йилда 72 гектар майдондан 250 тонна пахта ҳосили етиштириш кўзда тутилмоқда. Йиллик даромад 1,5 млрд. сўм, соф фойда эса 250 млн. сўмни ташкил этиши кутиляпти. «Соғлом бола йили» муносабати билан туман марказида «Тиббиёт ташхис маркази» барпо этилмоқда. Н.Худойбердиев O'zLiDeP туман кенгаши раиси сифатида аҳоли ўртасида партия гоғларини кенг тарғиб қилиш, ташкилий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш йўлида ҳам тиниб-тинчимас бўлиб келибди.

Кўп тармоқли хўжаликда қўл урилмаган соҳанинг ўзи кам. Жамият қошидаги паррандачилик тармоғида 2 минг бош парранда парварिश қилиниб, парҳезбоп гўшт етиштирилмоқда. 50 та асалари уясидан ҳозиргача 1 тонна асал олинди. 15 гектар май-

донда ташкил этилган иссиқ-хонада помидор, бодрич, лимон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланиб, савдо дўқонига чиқарилмоқда.

— Тунов кунни отам билан ферманга айландик, — дейди Насрулло. — Амалга оширилган ишларни кўриб, саксондан ошган падарим кўзига ёш олди. Ҳар бир фуқаро ўз истеъдодини намоён этиши учун кенг имкониятлар эшигини очиб берган истиқлолга шукрона айтди, дуо қилди. Бир умр чорва соҳасида ишлаб, косаси оқармаган кекса инсоннинг биз эришган натижалардан қалби шодланиши табиий. Мустақиллик туфайли замонавий ишлаб чиқариш мажмуасини яратишга мўъассар бўлдик. Бугунги кунда 80 нафардан ортиқ ҳамқ-ишлоғим фермада ишлаш-ташқил этиши кутиляпти. Янги режалар амалга ошса, уларнинг сони 100 нафарга етади. Тадбиркорлик мени эл-юртга танитди, эзгу ишларга даъват этди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳар бир инсон ўзидида тадбиркорлик қобилиятини ишга солса, фаровон ва бахтли турмуш кечирishi аниқ. Мева-чевани қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлашга мўлжалланган замонавий технологиялар харид қилиш ниятидими. Зеро, фермерлик ва тадбиркорлик шундай истиқболли соҳаларки, уларнинг «этаги»ни тутган одам нафақат ўзи, балки бошқаларнинг ҳам маъмуриги, бахтли келаганини яратиб беради.

### Қутлуғ кунга ёруғ юз билан

**O'zLiDeP Учкўргон туман кенгаши ташаббуси билан «Учкўргонёғ» ОАЖда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севиғи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Стратегик дастурлар: мазмун-моҳияти, аҳамияти ва амалий натижалар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди**

Партия вилоят ва туман кенгаши масъул ходимлари, корхона ишчи-хизматчилари, БПТ раислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган анжумани Олий Мажлис Сенати аъзоси, O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши раиси Солиҳон Мўминов қисқача кириш сўзи билан очиб, мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига пухта тайёргарлик кўриш, жойларда та-

рғибот-ташвиқот ишларини юксак савидада ташкил этиш, истиқлол қадрини айниқса ёшлар онгига чуқур сингдириш, юртимизда ўтган қисқа давр мобайнида эришилган ютуқлар, бунда O'zLiDeP электорати ҳисобланмиш тадбиркор ва фермерларнинг ҳисса-си, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган

ишлар ҳақида маъруза қилди.

O'zLiDeP туман кенгаши раиси Дилором Эсонбоева эса Президент Ислам Каримов ториқ, юртимизда ўтган қисқа давр мобайнида эришилган ютуқлар, бунда O'zLiDeP электорати ҳисобланмиш тадбиркор ва фермерларнинг ҳисса-си, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган

энг улғу ва энг азиз байрамни муносиб қутиб олишга даъват этди.

Давра суҳбатида, шунингдек, мустақилликнинг 23 йиллик байрамга тайёргарлик кўриши, уни юксак савидада ўтказиш юзасидан белгиланган долзарб вазифалар ижроси кўриб чиқилди.

**O'zLiDeP вилоят кенгаши Матбуот хизмати.**

### Устазода

**Мисгарлар сулоласининг бешиқини вакили ҳисобланган Абдуҳамид Мадалиев марғилонлик машхур уста Маҳмуджон мисгар оиласида таваллуд топган. Ўзбекистонда мисгарлик касбининг авлоддан-авлодга ўтиб келишига катта ҳисса қўшган Маҳмуджон отадан ёшлиғидаёқ бу ноёб ҳунар сирларини кунт билан ўрганган Абдуҳамиднинг ўзи эндиликда устозлар қаторида тилга олинади**

#### Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Уста яратган буюмлар ўзининг рангинлиги билан ажралиб туради. Турли қандакорлар маҳоратига мос бўлган нақшларни биргина буюмнинг ўзида акс эттириш маҳорати фақат унга хос хусусиятлардандир. Ҳар бир касбнинг ўзига яраша сир-синаоти бор, лекин мисгарликнинг нозик жиҳатларини англаб етиш учун

хунарманддан жуда катта истар-тоҳ, юксак дид ва маҳорат, моҳирлик ва ҳушёрлик талаб этилади. Хунарманд Абдуҳамид Мадалиев ана шундай хислатларни қўзида жам эта олган, мисгарлик сирларини пухта эгаллаган моҳир уста ҳисобланади.

— Мисгар Абдуҳамид ясаган буюмлар хориждан келган сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди «Хунарманд» уюшмаси Марғилон шаҳар бўлими раиси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутаты Расулжон Мирзаах-

медов. — Юқори дид ва маҳорат билан тайёрланган қандил ҳозирги кунда «Хонақо» жомье масжидига ўрнатилган бўлиб, чинакам санъат асарни сифатида ардоқлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июндаги «2009-2014 йилларга мўлжалланган болалар муслиқ ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва улар фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашда фаол қатнашиб, «карнай» чолғу асосини тай-

ёрлаш учун эълон қилинган тендерда голибликни қўлга киритди.

Абдуҳамид яратган янги услубдаги мисгарлик буюмларини кўздан кечириб экансиз, кўз олдингизда қадимий тарих, миллий ўзлигимиз намоён бўлади.

Турли кўрғазмалар, қўриқтанловлар, фестивалларда иштирок этган уста халқ хунармандчилигини ривожлантириш соҳасида эришган ютуқлари учун диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланган.



# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 28-avgust, payshanba, 34 (562)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru



## Кенгашнинг БПТга тухфаси

**О'zLiDeP Шўрчи туман кенгаши ташаббускор бошланғич ташкилотларнинг имкониятларини фойдаланиб, «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Қишлоқ таракқийи — юрт фаровонлиги» мавзuida учрашув ташкил этди**

**Дилрабо РАҲМОНОВА,**  
О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходими

Унда партия вилоят кенгаши раиси О.Соибназаров, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сек-

тори бош консультанти М.И.Ноятов, партия туман ташкилоти раиси Б.Менгбоев, «Моҳира» хусусий корхонаси, «Шўрчи дон маҳсулотлари» АЖ ҳамда партия туман кенгашидаги қуйи бўғинлар фаоллари қатнашди.

Байрам тадбирида туман кенгашида фаолият юритаёт-

ган БПТ етакчиси Ш.Худойбердиев сўзга чиқиб, юрти- мишда фермер хўжалиқлари- ни таракқий эттиришда асо- сий эътибор аграр соҳада туб ислохотларни чуқурлашти- риш, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини оширишга қаратилаётганлиги ва бу оқилона сиёсат ўз самараси-

ни бераётганлигини ҳаётий мисоллар орқали баён этди. Мулоқот нихоясида парти- явий-сиёсий ишлардаги фа- оллиги учун «Шўрчи дон ма- ҳсулотлари» АЖ бошланғич ташкилотига партия вилоят кенгашининг қимматбахо со- вғиси топширилди.

**«...АГАР ҲАР ҚАЙСИ ПАРТИЯ ҲАЁТДАГИ ҲАММА МУАММОЛАРНИ ЭМАС, БИРОР-БИР АНИҚ ИШНИ ЎЗ МАСЪУЛИЯТИГА ОЛИБ, УНИ ОХИРИГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШГА ИНТИЛСА, ФАҚАТ ШУНИНГ ҲИСОБИДАН ОБРЎ ҚОЗОНИШИ МУМКИН... БУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН ТАШАББУС ВА ҲАРАКАТ ҚУЙИДАН, ОДДИЙ ИНСОНЛАР ОРАСИДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК».**

Ислом КАРИМОВ.

## Фаоллар футбол майдонида

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари қутлуг сана — Истиклол айёмининг 23 йиллигига бағишланган байрам тадбирларига бош-қош бўлмоқда. Чунончи, яқинда Кегейли туманида ташкил этилган мини-футбол бўйича «О'zLiDeP кубоги» мусобақасида 8 нафар БПТ аъзолари ўзаро куч синашди. Қизгин баҳслар натижасида «Халқ банки»нинг Кегейли туман бўлими бошланғич партия ташкилоти жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва кубокни қўлга киритди. О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

## ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

*«Барчанинг жонига тегар даражада шафқатсиз ва учраган киши сени туртиб кетар даражада ювош бўлма».*

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

## ЭЪЛОН

### Қорақалпоғистон Республикаси, «Туран Ким-зыят саудаси» МЧЖ баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 23 августдаги 95-П-сонли буйруғи ва Нукус тумани ҳокимининг 2014 йил 6 августдаги 628/8-сонли қарорига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус туманидан 83 (саксон уч) та ер участкаси аукцион савдоларига қўйилмоқда.

1. «Такырқол» ППЖга қарашли Шорқол овул аҳоли пункти, IV кварталдан №5, 7, 9, 11, 12 ер участкалари.
  2. «Такырқол» ППЖга қарашли Шорқол овул аҳоли пункти, V кварталдан №2, 4, 6, 8, 10, 12 ер участкалари.
  3. Такырқол» ППЖга қарашли Шорқол овул аҳоли пункти II-кварталдан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 ер участкалари.
  4. «Ақмангит» ППЖга қарашли Шорқол овул аҳоли пункти, VI кварталдан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16 ер участкалари.
  5. «Такырқол» ППЖга қарашли Шорқол овул аҳоли пункти, VII кварталдан №1 ер участкаси.
  6. «Такырқол» ППЖга қарашли Дарбент овул аҳоли пункти худидан №1, 2, 3, 4, 5, 6 ер участкалари.
  7. «Кердеш» АПЖга қарашли Туутай овул аҳоли пункти худидан №9, 10, 11, 12, 13, 14 ер участкалари.
  8. «Кердеш» АПЖга қарашли Қызыл уй овул аҳоли пункти худидан №1, 2 ер участкалари.
  9. «Арбобш» АПЖга қарашли Коксу овул аҳоли пункти худидан №1, 2 ер участкалари.
  10. «Саманбай» АПЖга қарашли Жаманша массиви худидан №1 ер участкаси.
  11. «Ақмангит» ППЖга қарашли Қишлоғи, Абадан овули XIV кварталдан №11, 12, 13, 15, 16 ер участкалари.
  12. «Ақмангит» ППЖга қарашли Қишлоғи, Абадан овули XV кварталдан №15 ер участкаси.
  13. «Ақмангит» ППЖга қарашли Қишлоғи, Бахытлы овули XI кварталдан №7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22 ер участкалари.
  14. «Ақмангит» ППЖга қарашли Қишлоғи, Сельхозтехника массивидан №1 ер участкаси.
  15. «Саманбай» АПЖга қарашли Узынқол массиви, I худудидан №1, 2 ер участкалари.
  16. «Саманбай» АПЖга қарашли Узынқол массиви, II худудидан №1, 2, 3, 4 ер участкалари.
  17. «Саманбай» АПЖга қарашли Узынқол массиви, III худудидан №2, 4 ер участкалари.
  18. «Саманбай» АПЖга қарашли Узынқол массиви, IV худудидан №1 ер участкаси.
- Ушбу ер участкаларининг майдони 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 13 160 сўм.
- Аукцион савдоси 2014 йил 29 сентябрь кун соат 11.00 да Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг мажлислар залида ўтказилади. Бюрортномаларни қабул қилиш 2014 йил 27 сентябрь кун соат 18.00 да тўхтатилади.
- Маъжур ер участкалари 2014 йил 29 сентябрь кун ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ер участкаларининг тақрибий аукцион савдолари 2014 йилнинг 30 октябры, 29 ноябры, ва 30 декабры кунлари соат 11.00 да Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг мажлислар залида ўтказилиши олдидан маълум қиламиз.
- Тақрибий савдолар бўйича бюрортномаларни қабул қилиш 2014 йил 29 октябры, 28 ноябры ва 29 декабры кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.
- Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда маркетинг ва маслаҳат-консалтинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1/2 бўлиги миқдорда қўшимча тўловлар тўланади ва тузиладиган закалат келишувга асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорда закалат пулини «Туран Ким-Зыят Саудаси» МЧЖ «Туран Банк» Нукус шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9047 9270 1001, МФО 00585, СТИР 301273292.
- Савдо тўлибги савдо кундан бошлаб 20 (ийгирма) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланди, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома билан белгиланган мuddатларда қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюротномани тақдим этади:
- Ўзбекистон Республикаси фуқарolari — паспорт нусخаси;
  - хоржий ордик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси, таъсисчилар рўйхати ва усталининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
  - хорж фуқарolari — чет давлатнинг миллий ёки дипломатик паспорти;
  - Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномасининг нусхаси;
  - закалат пулини тўлаганилини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.
- Бюрортномалар қабул қилинадиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амр Темур кўчаси, 112А-уй, 117-хона. Телефон: (8-361) 222-00-84. Расмий сайтими: Turankr.kz. Лицензия: 0041.

## Вобкентда улуг айём шуқуҳи

«Қишлоқхўжалиқкимё» давлат акциядорлик бирлашмаси, «Узросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси, ТИФ «Миллий банк»нинг Вобкент туман бўлимида ҳамда туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган БПТларнинг жонқуяр фаоллари сый-ҳаракати билан «Чармгарон» МФИда байрам тадбири уюштирилди. Тадбиркор ва фермерлар, маҳалла аҳли иштирок этган мулоқотда туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси А.Жаволев, О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Ф.Аминов, партия туман кенгаши раиси Ш.Исомидинов ва бошқалар «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиорининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдириб, обод мамлакатда умргузаронлик қилиш ҳар биримиз учун улкан бахт, шу мўътабар заминнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўйиш муқаддас бурчимиз эканлигини таъкидладилар. Истиқлол, яратувчилик меҳнати, севиқ-салоқат ва гўзал ёшлиқни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига хушнудлик бахш этди. **Асхор ИСТАМОВ.**

## Хайрли таклиф

О'zLiDeP Ҳаракат дастурида бошқа кўплаб вазифалар қатори партия аҳолининг эҳтиёжманда қатламларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиши белгиланган. Мухими, бу йўналишда сўз ва иш бирлиги турли ташаббусларда намоен бўлаётир. Чунончи, пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги «Рангли металл лойиҳа» МЧЖда рўйхатдан ўтган БПТ йиллигида фаолларнинг Муствақиллик байрами муносабати билан ёлғиз, муҳтож қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларни улуг айём билан кутлаш таклифи бир овоздан маъқулланди. Эртаси куннеқ ташаббус амалиётга кўчи: маслакдошлар «Дамариқ», «Бошлиқ», «Кўшбети», «Усмон Носир» ва «Бобур» маҳаллаларида яшовчи нуронийлар хонадонларига ташриф буюриб, уларни Истиклол байрами билан муборакбод этдилар. **Б.ИСРОИЛОВ.**

## Жамоатчиликка маъқул ва манзур

Айни кунларда Янгиқўрғон туманида ҳам муствақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, «Мурод Султонбува» фермер хўжалигида фаолият юритаётган О'zLiDeP қуйи бўғинининг Навкент ҚФЙ билан биргаликда ташкиллаштирган «Аёллари эъзозланган юрт» мавзuidaги давра суҳбати ўзига хослиги ва ранг-баранглиги билан жамоатчилик эътиборини тортиди. БПТ ва ҚФЙ фаоллари дастлаб тадбир ўтказиладиган жой — қишлоқ маъмурий идораси теварагини кўркамлаштириш мақсадида ҳашар уюштирдилар. Натижада ҳудуд байрамона қиёфа касб этди.

— Мусохабалар чоғида Истиклол йилларида аёлларимиз иқтисодий, орзу-интилишлари рўёбга чиқиши учун улкан имкониятлар яратилганлиги хусусида сўз юритилди, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Саидолим Султонов. — Маслакдошларимиз, шунингдек, мулкдор опа-сингилларимиз партия томонидан изчил қўллаб-қувватланаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Ажойиб куй-қўшиқлар янграган, бадийий сўз усталарининг чиқишлари уюштирилган тадбир нихоясида «Энг ибратли оила», «Энг намунали хонадон» ва «Энг гулсевар уй бекаси» йўналишлари бўйича ўтказилган танлов қолибларига партия туман кенгашининг эсдалик совгалари топширилди. **А.МУСУРМОНОВ.**



## Ёшлар билан мулоқот

О'zLiDeP Гулистон туман кенгаши бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда партия дастурий мақсад ва вазифаларини изчил тарғиб этаётир. Чунончи, яқинда Деҳқонobod қишлоқ касб-ҳунар коллежида «Ёшлар — муствақил Ўзбекистон келажаги» мавзuida жонли мулоқот ўтказилди. Тадбирда Улугбек агросаноат ва «Уч қаҳрамон» иқтисодиёт коллежи талабалари ҳам қатнашдилар. Партия туман кенгаши раиси ўринбосари Н.Хусанов, халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари А.Мирзабеков, О.Омонов, «Орол неъматлари» фермер хўжалигидаги БПТ етакчиси Б.Бегматов овоз ва обод Ватанимиз ёшларини ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб вояга етказиши йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, мулоқотда навқирон авлод вакиллари ҳуқуқий-демократик жамият қуриш жараёнларига янада кенгроқ жалб этиш, уларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш масалалари хусусида фикр юритилди.

## Қуйидан чиққан ташаббус

Қуйи бўғин аъзолари қанча фаол бўлсалар, ўша ҳудуддаги аҳолининг партиятга ишончи ҳам шунча муствақамланиб бороверади. Чиноз туманидаги С.Раҳимов номли қишлоқ врачлик пунктида фаолият юрсатаётган БПТнинг амалий ишлари айна фикрини тасдиқламоқда. Яқинда мазкур қуйи ташкилотга «Туркистон» ҚФЙда яшовчи бир гуруҳ фуқаролар мурожаат этиб, худуддан ўтган 10 км. узунликдаги автомобиль йўлини таъмирлаш масаласини ўртага ташладилар. Қуйи ташкилот етакчиси, туман кенгаши депутати Комила Айтинова амалдаги тартиб-қондаларга биноан аъзолар йиғилишида мазкур масалани атрофлича муҳокама қилди. Сўнгра тегишли материаллар партия туман кенгашига тақдим этилди. Пировардида халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан «Тошкентавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти раҳбари Х.Тулягановга хат йўлланди. Ҳозир мутасаддилар ушбу масалани ўрганиб чиқаяптилар.

## Юнусовнинг ҳисоботи тингланди

Анджон давлат университетидида О'zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ етакчилари ҳамда хусусий сектор вакиллари иштирокида депутатлик эшитиуви ўтказилди. Ушбу тадбирда вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рўзимухаммад Юнусовнинг кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг камайтирилиши тўғрисидаги бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш ва замонавий технологияларни жорий этишга йўналтириш борасидаги ишлар юзасидаги ҳисоботи тингланди. Шуниси диққатга сазоворки, қуйи бўғинлар аъзоларининг бу каби тадбирларда фаол иштироки уларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид билимлари кенгайишига, тажрибаси муствақамланишига хизмат қилмоқда.

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

### «Global Savdo Fayz Vuxara» МЧЖ

объектнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бухоро «Бухороиккиламчиқораметалл» шўьба корхонасига тегишли, давлат рақами 80/154 ОАА бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ 21063» румсулми автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1310 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 30 сентябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 30 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрибий аукцион савдолари 2014 йилнинг 7-14 октябры кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини Халқ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000405017774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. «Global Savdo Fayz Vuxara» МЧЖ. Манзил: Бухоро ш., Муствақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8365)221-54-43. Хизматлар лицензияланган. RL 0171.

# ИҚТИСОДИЁТ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

КАПИТАЛБАНК

## Молиявий кўмак

иқтисодиётнинг устувор соҳалари тараққиётига хизмат қилмоқда

Ўз мухбиримиз

Мамлакатимиз банк тизими молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида замон талабига мос фаолиятни амалга ошириш орқали иқтисодиётимизни ва халқ фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Очiq акциядорлик-тижорат «Капиталбанк» ҳам шулар жумласидандир. Айна пайтда мазкур молия муассасаси томонидан йўналтирилаётган сармоялар халқ ҳўжалиги тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Кейинги йилларда республикамизда озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар сони кўпайиб бораётди. Уларнинг фаолияти тижорат банклари томонидан доимий равишда рағбатлантирилаётгани натижасида эса ички истеъмол бозори ўзимизда тайёрланган сифатли, арзон озик-овқат маҳсулотларига тўлиб бораётди. «Капиталбанк» томонидан ҳам айна масалага алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида ҳўжалик юритувчи субъектларга 15,456 млрд. сўм кредит ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Бунга ҳамоҳанг тарзда маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг янада кенгайтириш мақсадида 36,651 млрд. сўмлик кредит йўналтирилди.

Мустиқлик шарофати билан аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни, роли йил сайин ортиб бораётди. Айнақса, тadbиркор опа-сингилларимизнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг



ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун кенг имконият, қулайлик ва шарт-шароитлар яратилаётгани, жумладан, қишлоқ ҳудудларида хотин-қизларни тadbиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлашда тижорат банкларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Жумладан, «Капиталбанк» мижозлари орасида ҳам тadbиркор хотин-қизлар кўпчилиги ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июль ойлари давомида хусусий бизнес билан шуғулланаётган аёлларга жами 40,835 млрд. сўм миқдорида кредит эвазига тезда оёққа туриб, 15 киши доимий иш билан таъминланди. Тан олиш жоиз: «Капиталбанк»нинг молиявий кўмагисиз бундай юқори натижаларга эриша олмас эдик. Шу боис мазкур молия муассасаси билан ҳамкорликни кенгайтириб, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш ниятида.

Турмуш ободлиги, ав-

валамбор, оиланинг иқтисодий ҳолати ва даромадига боғлиқ. Шунинг учун юртимизда аҳолини тadbиркорлик фаолиятига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилапти. Бунда, айнақса, оилавий тadbиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга муҳим аҳамият берилаяпти. Жумладан, «Капиталбанк» ушбу тармоқ учун 1,136 млрд. сўм сўмлик кредит ажратди. Касб-ҳунар коллежи битирувчисига жами 1,374 млрд. сўм кредит берилгани эса шунча янги тadbиркорлик субъектининг юзага келишига молиявий замин яратди.

Муҳтасар айтганда, «Капиталбанк» мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кундалик ҳаётимизда алоҳида аҳамиятга молик ҳисобланмиш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳам банкнинг доимий диққат марказидадир. Айна ушбу йўналиш-

га жорий йилнинг ўтган ярмида 27,628 млрд. сўм кредит ажратилгани бунинг яққол мисолидир.

Истиқлол йилларида тadbиркор ва ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганидан мамнунман, — дейди «Капиталбанк»нинг Наманган филиали мижози «Jahon Savdo Duri» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ж.Хусанов. Жамиятимиз аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келмоқда. Банкдан олинган 1 250,0 млн. сўм миқдорида кредит эвазига тезда оёққа туриб, 15 киши доимий иш билан таъминланди. Тан олиш жоиз: «Капиталбанк»нинг молиявий кўмагисиз бундай юқори натижаларга эриша олмас эдик. Шу боис мазкур молия муассасаси билан ҳамкорликни кенгайтириб, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш ниятида.

Турмуш ободлиги, ав-

## Тараққиёт таянчи

Мустиқлик йилларида юртимизда бошқа соҳалар қатори банк тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
«XXI asr»

Хусусан, 1995 йилда «Марказий банк тўғрисида», 1996 йилда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар асосида кейинги йилларда олиб борилган ислохотлар натижасида банкларнинг устав капиталли ортиб, хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтиди. Бунинг Самарқанд вилояти мисолида кўриб чиқар эканмиз, истиқлол даврига қадам 2-3 та банк фаолият юритгани, айна пайтда эса ҳудудда 16 та тижорат банкининг 74 та туман ва шаҳар бўлими, шунингдек, 250 га яқин минибанк ва махсус жамғарма касса 19 мингга яқин турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотга, 8 300 дан зиёд фермер ҳўжалигига хизмат кўрсатиб келаётганини айтиб ўтиш мумкин.

Чиндан ҳам юртимизда хусусий тadbиркорлик субъектлари учун яратилган шароитлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, — дейди Марказий банкнинг Самарқанд вилоят Бош бошқармаси бошлиғи Фанишер Маматқулов. — Айтилик, 2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўри келган бўлса, вилоятимизда бу кўрсаткич 77,1 фоизни ташкил қилди. Бунда молия муассасаларининг салмоқли ўрни бор, десак хато бўлмайди. Масалан, 2014 йилнинг биринчи ярмида самарқандлик тadbиркорларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 376,0 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30 фоиз кўпдир. Эътиборлиси, ана шу маблағлар ҳисобидан 6195 та лойиҳа молиялаштирилиб, 7839 та янги иш ўрни яратилди.

Қолаверса, ҳудудий дастурларга киритилган 891 та лойиҳа учун 484,6 млрд. сўмлик кредит ажратилиши натижасида 4714 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 509 та лойиҳа учун 389,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, 2828 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фаолият юритмаётган корхоналарни банклар кўмагида қайта тиклаш бўйича катта ҳажмли ишлар амалга оширилди. Шундай эмасми? — Ҳақиқатан ҳам фаолият юритмаётган корхоналар, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида вилоят ҳудудида хатлов ўтказилиб, 283 та шундай объект аниқланди. Ушбу объектлардан 131 таси кам қувватли корхона бўлса, 23 таси фаолият қўрилиши тугалланмаган ва 88 таси бўш турган объектлардир. Бу лойиҳаларнинг барчасига тижорат банклари бириктирилиб, уларнинг 130 тасига жами 260,3 млрд. сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди. Жалб қилинган сармояларнинг 130,6 млрд. сўмининг тижорат банкларининг кредитлари ташкил этади. Бу маблағлар асосида 130 та



— Вилоят ҳудудида аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларини янада яхшилаш ва турли қулайликлар яратиш мақсадида молия муассасалари томонидан 1 млн.га яқин пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, 11067 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасига жами 12434 та терминал ўрнатилди. Сўнгги йилларда вилоятимизда аҳолининг нафақат ҳуқуқий билими, балки иқтисодий саводхонлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис мутахассисларимиз қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳаллаларда бўлиб, кредит маблағларини оқилона сарфлаш орқали юқори даромад олиш имкониятлари хусусида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Маълумки, аҳолини тadbиркорлик фаолиятига кўпроқ жалб этиш орқали фуқароларимизнинг чет мамлакатларга чиқиб кетишининг олдини олиш бўйича мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб боришда, бу борада вилоят банк тизимида қандай қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилаётми?

Шаҳар ва туманлардаги аҳоли яшаш манзиллари, яъни 125 та қишлоқ фуқаролик йиғини ва 1117 та маҳаллага тижорат банклари раҳбарлари бириктирилган. Вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосан мунтазам ўтказилаётган учрашуларда фуқароларга бугунги кунда мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, вақтинча ишсиз юрганларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан ба-тафсил тушунтиришлар берилмоқда.

Тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истигаида бўлган фуқароларга ўз бизнесини бошлаш учун қўмақлаштириш, тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланиш, солиқ тўловлари имтиёзларидан фойдаланиш каби масалаларда яқиндан ёрдам бериб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтган 23 йил мобайнида юртимизда банк соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Бу эса молия муассасалари мамлакатимиз тараққиёт йўлида катта таянч бўлиб хизмат қилаётганидан далолатдир.

Электрон «ҳамён», яъни пластик карточкаларнинг қўйлиги кўпчиликланган манзур бўлиб бормоқда. Бу йўналишни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Вилоят ҳудудида

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Халқлар тараққий этиб, ўса олиши, шон-шарафга бурканиб, муваффақиятли равишда фикрлай ва ишлай олиши учун — ҳаётлари негизда тараққиёт гоёлари ётиши керак».

Эмилио КАСТЕЛАР.

НАМКОРБАНК

## Ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик асосида

Ҳозирги кунда мамлакатимиз молия бозорига шаклланган соғлом рақобат муҳити инновацион жараёнларни фаоллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди. Хусусан, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида ўрин тутаётди. Очiq акциядорлик-тижорат «Ҳамкорбанк» ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, замонавий хизматлар қўламини кенгайтиришга интилаётди. Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта

Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»

Кичик бизнес, оилавий тadbиркорликни ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш суръати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди. «Ҳамкорбанк» ҳам ушбу муҳим жараёндан четда қолаётгани йўқ. 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида тармоқ ривож учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 441 млрд. 364 млн. сўм сармоя йўналтирилганиги фикримиз далили бўла олади. Бу 2013 йилнинг айна даврига нисбатан қарийб икки ҳисса кўпдир. Қолаверса кичик бизнес соҳасида банд бўлган мулкдорларга 161 млрд. 016 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, молиявий барқарорлик ҳар бир банк учун асосий мезондир. Бу мақоли мутахассисларга кўп жихатдан боғлиқ, албатта. Чунки муҳим молиявий операцияларни амалга оширишда асосий масъулият уларнинг зиммасига тушади. Жойларда «Ҳамкорбанк»нинг манъеи мустаҳкамланаётгани ҳам бежиз эмас. Хусусан, бизнес-режа тузиш, истиқболли лойиҳа-

ларни амалга оширишда мижозларга зарур ёрдам кўрсатилиб, тегишли маслаҳатлар берилмоқда. Бу эса банк муассасасига бўлган ишончнинг янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, меҳнат ва ўқий шароитларини яхшилаш, уларни тadbиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бозор шароитида алоҳида аҳамият касб этади. «Ҳамкорбанк» шундан келиб чиқиб, аёллар тadbиркорлигини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаёпти. Жорий йилнинг 1 августига қадам соҳага 69 млрд. 444 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилгани фикримизга яққол мисолдир.

Истиқлол шарофати билан оилавий тadbиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначилик учун кенг йўл очилди. Бунинг ҳар бир туман ва қишлоқ мисолида куриш мумкин. Хусусан, яқна тadbиркорликни ривожлантиришда тижорат банкларининг ҳиссаси катта бўлаётди. Ушбу мақсадлар учун «Ҳамкорбанк» томонидан 2 млрд. 755 млн. сўм сармоя ажратилди. Қолаверса сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларига йўналтирилган кредитлар салмоғи ҳам ўтган йилнинг айна даврига нисбатан анча ўсганлиги кузатилади.



Ёшлар келажагимиз, ҳаётимизнинг муносиб давомчиларидир. Шундай экан, улар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш муҳим бурчимиз саналади. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга тобора катта эътибор қаратилаётганини қувонarli хол, албатта. Биргина «Ҳамкорбанк» томонидан жорий йилнинг ўзидан уларга 5 млрд. 753 млн. сўм маблағ ажратилди. Бунинг натижасида

ҳудудларда 4 840 та янги иш ўрни яратилди.

Қисқаси, мамлакатимизда пул-кредит муносабатлари такомиллаштирилаётганини қутулган самараларни бермоқда. «Ҳамкорбанк» жамоаси жорий йилда янада катта режаларни кўзлаган. Мижозлар сафини кенгайтириш, уларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар ишга солинаёпти. Ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик эса молия бозорига ҳал қилувчи омиллардан биридир.

## Хизмат сифати ва маданияти ошмоқда

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда бир қатор хусусий банклар фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда улар молия бозоридан муҳим ўрин эгаллаб, халқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшаёпти



Жумладан, «Трастбанк» хусусий акциядорлик-биржа банки ҳам кейинги йилларда мижозларнинг ишончли ҳамкорига айланди. Банк жамоаси изланиш ва манфаатли ҳамкорлик натижасида бир қатор муваффақиятларга эришмоқда. Хусусан, молия муассасаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бир қаторда бандлик масаласини ҳал этишда муҳим омил бўлаёпти.

Банкнинг кредитлаш ва инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти етакчи мутахассиси Нозима Абборова таъкидлаганидек, Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, навқирон ёшлар, авваламбор, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида имтиёзлар жорий этилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган ярмида банк томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини

йўлга қўйиш учун 1 004,47 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 баробарга кўп.

— Юртбошимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратаётган эътибор ва ғамхўрлиги боис фаолиятимиз тобора кенгаймоқда, — дейди Тўрақўрғон касб-хунар коллежи битирувчиси, «Laylo Sof Savdo» МЧЖ директори Садоқат Аминжонов. — Корхонамиз халқ истеъмол товарлари, жумладан, озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш ашёларини улгуржи ва чакана савдо орқали етказиб бериш билан шуғулланади. Айланма маблағларимизни тўлдириш учун «Трастбанк»нинг Наманган филиалидан моддий мадад олдик. Ҳозирда корхонамизда 20 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга. Қисқа фурсатда оёққа туришимизда банк хизмати катта бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Истиқлол йилларида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳар бир юртдошимиз ҳаётида ўз самарасини кўрсатмоқда. «Трастбанк» томонидан ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада барча ички имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, 2014 йил 1 июль ҳолатига мазкур йўналишга 791,05 млн. сўм миқдорда кредит ажратилгани фикримиз тасдиқидир. Ушбу маблағлар асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, тижо-

рат ишларини самарали йўлга қўйиш мақсадларига хизмат қилаётди. Бир сўз билан айтганда, банк янги оила қурган кўпгина ёшларга молиявий камарбаста бўлмоқда.

— Самарқанд азалдан шарқнинг гавҳари саналган — дейди «Afrosiyob Diyora Palas» МЧЖ директори Артур Алексаньян. — Қадрдон шаҳримга меҳмон келмаган кун йўқ. Юртимизнинг бетақдор обидалари, халқимиз турмуш


жани битирган 17 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланган. Шаҳар бўйлаб сафардан қайтган меҳмонларимиз шарқона жихозланган уйда, ҳовлида ҳордиқ чиқарадилар. Бу уларда алоҳида завқ уйғотганидан яна келиш ниятлари борлигини айтишди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Трастбанк»да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг барча субъектларини ҳар томонла-

“**Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳам кун тартибдаги муҳим масалалардан биридир. Шу мақсадда банк томонидан жорий йилнинг 1 июль ҳолатига тадбиркор опа-сингилларимизга 14,9 млрд. сўм кредит берилди. Эътиборлиси, бу кўрсаткич ўтган йилнинг айна даврига нисбатан 1,4 баробарга ўсган. Шунингдек, 2014 йилнинг биринчи ярмида 28,6 млрд. сўмлик маблағ инвестиция мақсадлари учун сарфланди.**”

тарзи, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз дунё аҳлида қизиқиш уйғотаётгани қувончли, албатта. Шунинг учун кўп йиллардан буён шарқона услубда, шинам меҳмонхона қуриб, оилавий бизнесни шакллантириш ниятида эдик. «Трастбанк»нинг Самарқанд филиали томонидан кўрсатилган моддий мадад туфайли орзуим ушалди. Ҳозирда барча қулайликка эга бўлган меҳмонхона хизматидан сайёҳлар мамнун. Эътиборлиси, жамоамизда сайёҳлик колле-

ма қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш орқали кенг турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Бунга 2014 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 121,6 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилгани ва айна йўналишдаги ишлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга ошгани



хаётий мисолдир.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида банкнинг кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш ҳажми қарийб 9,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг айна даврига нисбатан 1,88 баробарга ортган.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 13,6 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилган бўлса, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари тайёрлаш учун 19 млрд. сўмдан зиёд миқдордаги кредитлар йўналтирилди.

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳам кун тартибдаги муҳим масалалардан биридир. Шу мақсадда банк томонидан жорий йилнинг 1 июль ҳолатига тадбиркор опа-сингилларимизга 14,9 млрд. сўм кредит берилди. Эътиборлиси, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробарга ўсган. Шунингдек, 2014 йилнинг биринчи ярмида 28,6 млрд. сўмлик маблағ инвестиция мақсадлари учун сарфланди.

Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 19,9 млрд. сўмдан ортиқ кредит берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг айна даврига нисбатан 2,87 баробарга ўсган

лигини кузатиш мумкин. Шу билан бир қаторда, 2014 йил 1 июль ҳолатига кўра, «Трастбанк» томонидан Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан умумий қиймати 1,1 млрд. сўмдан зиёд миқдордаги қатор лойиҳалар молиялаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Трастбанк»да мижозлар билан ишлаш сиёсати тўғри йўлга қўйилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаол қўллаб-қувватланиши банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари ҳажмининг муттасил ошишига хизмат қилмоқда. Бу эса юртимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этаётди.

Банк ахборот хизмати.

ПРОТЕКА BANK

Mustaqillikka 23 yil

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

«УЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни энг улуғ, энг ардоқли байрамларимиздан бири — ИСТИҚЛОЛНИНГ 23 ЙИЛИГИ муносабати билан самимий қутлайди.

Айни шу шуқуҳли кунларда сизларга кўтаринки кайфият, оилаларингизга осойишталик, дастурхонларингизга тўкинлик, юртимизга тинчлик-омонлик тилаймиз.

# ҚУТЛОВ

## ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН «ГУЛИЛОЛА» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ҚОШИДАГИ

# «МАЈМУНТОЛ»

## мажмуаси жамоаси

барча ватандошларимизни  
Истиқлол айёми билан  
самимий муборакбод этади.  
Сизларга сиҳат-саломатлик,  
хонадонларингизга хотиржамлик,  
рўзгорингизга кут-барока тилаймиз.  
Мустақилликнинг 23 йиллиги  
кутлуғ бўлсин, азизлар!



### Боғда ҳам Wi-Fi бўлади

Сир эмас, симсиз тизим орқали электрон маълумотларни ёзиб олиш ёки тарқатиш, интернет тармоғидан фойдаланиш, яъни Wi-Fi (ушбу термин Wireless Fidelity инглизча сўз бирикмасидан олинган бўлиб, узбек тилига таржима қилинганда «симсиз сифат» ёки «симсиз аниқлик» маъносини англатади) айти пайтда замонавий коммуникациянинг жуда тез ривожланган йўналишларидан бири сифатида тилга олинмоқда.

Эътиборлиси, яқин кунларда Навоий шаҳрида мазкур глобал тизим талабларига жавоб берадиган худуд — Wi-Fi боғи ташкил этиладиган бўлди. Хабарларга кўра, бунинг учун шаҳар марказидаги истироҳат боғи худудда маълумотларни симсиз тарқатиш имконини берувчи профессионал қурилма, лицензия соғфт (дастурий таъминот) ҳамда ахборотни қайта ишлайдиган сервер ўрнатилди. Ўз навбатида, лойиҳа муаллифлари Wi-Fi боғига келиб, симсиз ва юқори тезликта ишлайдиган интернетдан фойдаланувчи ёшлар учун муқаймоқ, турли пириликлар, қаҳна ёки салқин ичимликларни истеъмол қилган ҳолда ҳорлик чиқариш имкониятини ҳам яратиб беришни кўзлаётганларини айтиш ўттиш лозим.

Шухрат ХУЖАЕВ.

### Антиқа қонунлар

АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида қурбақаларни яшаш ман этилган. Гап шундаки, баъзи қурбақаларнинг териси галлюцинацияга сабаб бўладиган модда ишлаб чиқариши туфайли гиёҳвандлар унинг терисини ялашган, полициячилар эса бунга қарши ҳеч қандай чора кўра олишмаган. Флоридада барча бинолардаги эшиклар фақат ташқарига очилиши керак. Фавқулодда ёнғин пайтида бу ақдорат экан.

Сайт: шаҳрида эса уйлар атрофи оқ рапдаги тўсиқли девор билан ўралган ҳамда эшик олди чиройли безалган бўлиши лозим. Шаҳар иқтисодиёти асосан сайёҳларга боғлиқ бўлганлиги учун бу каби чоралар уларнинг оқимини кўпайтириши таъкилланади.

Гавайи штатида жамоат жойлари ва йўл бўйларидан реклама плакатлари ўрнатиш олат эмас. Бу сайёҳларни гавайи манзараларидан «чалғитиши» мумкин экан.

Аризонада эса автомобиль бошқарниш пайтида биронта ҳайвонни уриб юборсангиз, у сизнинг мулкнингизга айланади. Бундай қонун йўлларни тозалаш учун кетадиган маблағни иқтисод қилиш мақсадида қабул қилинган.

Қонунларнинг энг антиқаси, назаримизда, Вашингтонда қабул қилинган. Буни қарангки, қонунбузарлик содир этиш мақсадида бошқа худудлардан келган кишилар ўз нияти ҳақида полицияга олдиндан хабар бериши керак. Акс ҳолда бирор-бир ҳуқуқбузарлик содир этган фуқарога мазкур қонунни ҳам бузганлиги учун алоҳида айб қўйилади. Шаҳар маъмурияти бу билан бўлажак жиноятларнинг олдини олишга ҳаракат қилган.

Д.ҲАБИБОВА тайёрлади.

## «ХОРАЗМ ПАЛАС» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*Ўзбекистон халқини азиз  
ва шуқухли байрам —  
Мустақилликнинг  
23 йиллиги билан  
самимий кутлайди.  
Барфанингизга сиҳат-  
саломатлик, онларингизга  
тинчлик-хотиржамлик  
тилаб, омад ва бахт  
ҳамиша ёр бўлсин, деб  
қоламмиз.*



## 3AZ FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

**XXI ASR**  
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR HARAKATI —  
O'ZBEKISTON LIBERAL-  
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИРИЯТ: Ташвур АБДУРАҲИМОВ, Сайфулла ИҲРОМОВ, Шаҳод НАЗАРОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХУЖАЕВ, Марк ЮСУПОВ.  
Албар МУЗАВВАРОВ, Бекзоир ИСРОИЛОВ, Наргиза КАҲХОРОВА, Шухрат РАҲИМОВ, Солимон ЭОМРОВ.

БЎЛИМЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Ички бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қўбулхона 215-63-80 (тел./факс).

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент Нукус йўли, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxi.asr@mail.ru; xxi\_asr@mail.ru  
«XXI ASR» дан олинган маълумотларда ҳамма сифатда газетани қўراتишни шарт Муаллифлар фирми таҳририят нуқтани назардан фарқ қилиши мумкин.  
«Ўзбекистон НМБУ басмаохонасида нот этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий йўлиси, 30-уй.  
БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —  
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» латиний-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 6009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буғрича рақами: 5 755 Тиражи: 11171  
Басма олинган ҳолда.  
Теланирида — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2313-477X



Набатчилар  
Н.ТОШЕВ, Б.ИСРОИЛОВ

БЕПУЛ РЕКЛАМА ИЛОВАСИ

ҚУТЛОВ



## ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк барча юртдошларимизни Мустақиллик айёми билан самимий қутлаб, миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

### «МУСТАҚИЛЛИК 2014»

Ушбу омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг бериллади.

Шу билан бирга «Асака» банк миллий валютада 60 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги, қулай шартлардаги омонатларни таклиф этади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мазкур омонат турларини банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.  
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-96
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Севғали филиали	371	257-44-10
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10
Асака филиали	374	233-15-68
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-62-23
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкчилик филиали	373	552-61-06
Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Зарафшон филиали	436	573-18-75
Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11



«Асака» банк сармоянгаининг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.  
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

#### Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.



Mustaqillik bayrami muborak bo'lsin, aziz yurtdoshlar!

Ulug' ayyom barchamizga tinchlik-totuvlik, oilaviy baxt va xotirjamlik olib kelishini tilagan holda quyidagi bank xizmatlarini taklif etamiz:

«Agrobank»da «CLICK» hisob raqamini oching va barcha to'lovlarni mobil aloqa yordamida amalga oshiring.

«SMS-BANKING» — hisob raqamingizdagi mablag'lar harakatidan doim xabardor bo'ling.

«INTERNET-BANKING» — to'lovlaringizni masofadan turib amalga oshiring.

Yuridik shaxslar uchun mo'ljallangan depozit sertifikatleri orqali pul mablag'laringizni ko'paytirib.

«Agrobank» aksiyadorlik-tijorat banki  
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi, 43.  
Tel.:(8-371) 150-53-72; Faks: 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!»



## O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси барча юртдошларимизни энг азиз, энг улуг байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами билан муборакбод этади!

Буюк ва муқаддас Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.  
Сизга омад, бахт ва саодат ёр бўлсин!

Байрам муносабати билан «Ўзсаноатқурилишбанк» юртдошларимизга миллий валютадаги «ЯГОНАСАН, ВАТАНИМ» янги жамгарма омонатини таклиф этади!

Мазкур омонатга маблағлар 4 ой муддатга қабул қилиниб, омонат бўйича фоиз даромали ҳар ойда тўланади.



Вақт давомида синалган ишонч!  
www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган.

## Qishloq Qurilish Bank ЖАМОАСИ

қадрли юртдошларимизни Мустақилликнинг 23 йиллик байрами билан самимий қутлайди.  
Энг улуг ва энг азиз байрам барчага тинчлик-тотувлик, оилавий хотиржамлик олиб келишини тилаймиз.

Қуйида таклиф қилинаётган омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган:  
«Мадад» — маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;  
«Хонадон» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;  
«Қурилишга бошланғич бадал» — маблағлар 1 йил муддатга қабул қилинади.  
Ушбу омонат турларига маблағлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.  
Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93  
www.qqb.uz



«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

# ҚУТЛОВ

БЕПУЛ РЕКЛАМА ИЛОВАСИ

ЭЪЛОН

## Олмазордаги шодиёна

O'zLiDeP туман кенгаши томонидан «Эшпўлат ота» гузаридан мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан «Аёллари эъзозланган юрт» мавзусида байрам тадбири ташкил этилди. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида ўтказилган учрашувда O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, фахрий аёллар, давлат мукофотлари совриндорлари бўлган хотин-қизлар, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилари, шунингдек, таниқли санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этишди. Тадбир давомида партия ишида фаол қатнашиб, салмоқли натижаларга эришган бир гуруҳ аёлларга O'zLiDePнинг фахрий ёрликлари ва эсдалик совгалари, шунингдек, янги аъзоларга партия гувоҳномалари топширилди. Таниқли шоирлар, санъаткорларнинг чиқишлари даврага байрамона руҳ бағишлади. Солихон ЗОИРОВ, «XXI asr».



## «REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖ

нарихи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулк объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2200-сонли қарорига асосан Павойи вилояти хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг 2014 йил 19 августдаги 59-П-сонли буйруғи асосида Навойи кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасига қарашли қуйидаги мулклар аукцион савдосига чиқарилмоқда:

1. Зарафшон шаҳрида жойлашган 100 ўринли «ЛАГУНА» кафе биноси (инв. №10631), бошланғич баҳоси 744,6 млн. сўм;
  2. Зарафшон савдо мажмуасидаги 45 биноси (инв. №6852), бошланғич баҳоси 197,5 млн. сўм.
- Аукцион савдоси 2014 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да вилоят Рақобат бошқармаси биносининг мажлислар залида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар 2014 йил 29 сентябрь соат 18.00 га қадар қабул қилинади. Талабгорлар диққатига!
- 2014 йил 30 сентябрь кундаги аукцион савдосида сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2014 йил 9, 17 ва 28 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига аризалар савдодан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади. Мазкур объектлар текис жойда, табиий газ, сув, электр энергия ва транспорт коммуникациясига яқин масофадаги ҳудудларда жойлашган. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги гаров гулини «REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт. ҳ.р: 2028000600275244001, ОАТБ «Асака» банк Навойи филиали, МФО: 00206, ИИН: 302799910. Савдо голибига савдо кундан бошлаб 20 кун муддат ичиде олди-соти шартномасини имзолаш шартлари юклатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида гаров тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга буюртмани тақдим этади:
- юридик шахслар учун таъсис ҳужжатларидан нусха;
  - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (жисмоний шахслар) — паспорт нусхаси;
  - солиқ тўловининг идентификация рақами (СТИР);
  - Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси;
- Аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига гаров пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхасини тақдим этади. Аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навойи вилояти, Навойи шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навойи вилояти Рақобат бошқармаси биносининг 1-қавати, «REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖ. Тел: 224-92-21.

ЛИЦЕНЗИЯ № RR-0183.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Селекция ютуқлари юртимиз раванқига ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланмиш пахтачиликда ҳадемай қизгин палла — йигим-терим мавсуми бошланади

Далаларда мўл-кўл ҳосил етиштириш масъулиятини ўз зиммасига олган минглаб фермер, соҳа мутахассислари яна бир қарра жиддий имтиҳондан ўтадилар.

Ушбу мавсумни юксак хирмон бунёд этишга муносиб ҳисса қўшаётган селекциячи олимлар ҳам ҳаяжон билан қарши олишмоқда.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Шодмон Номозов билан суҳбатимиз чоғида ҳам ушбу ҳолат сезилиб турди.

— Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ селекциячи олимлар олдида эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, энг муҳими, жаҳон бозориде харидорғир бўлган юқори сифатли тола берувчи янги навлар яратишдек масъулиятли вазифани кўйган эди, — дейди Шодмон Эргашевич. — Шу боис соҳа мутасаддилари ҳамда олимлар мавжуд ер, сув ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларини парваришладда сарф-ҳаражатларни имкон қадар қисқартириш, ҳайдаладиган ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, мелиоратив жараёнларни бошқаришнинг экологик соф ва юқори самарали технологияларини яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланиш, ресурс тежовчи техник воситаларни ва технологияларни қўллаш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларини иқтисод қилиш, гўза навлари парваришланганининг мақбул усулларини ишлаб чиқиш, касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши курашнинг самарали технологияларини яратишга астойдил киришдилар.

Мазкур масалаларни ечиш учун институти олимлари томонидан ўтган йиллар давомида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида 30 дан ортиқ янги гўза нави районлаштирилди ва 22 таси истиқболли деб топилди. Тола чиқишини 26-32 фоиздан 34-40 фоизгача, узунлигини 20-28 миллиметрдан 32-35 миллиметрғача, битта кўсақдаги пахта вазнини 3-5 граммдан 7-8 граммғача оширишга муваффақ бўлинди.

— Янги навлар амалиётда ўзини қай даражада оқламоқда? — Саволингизга энг янги мисоллар билан жавоб бера қолай. Институти миз ва унинг илмий-тадқиқот станциялари ходимлари томонидан яратилган С-6524, «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Наманган-77», «Бухоро-102», «Султон», «Хоразм-127», «Омад», «Анджон-35», С-4727, «Анджон-36», «Хоразм-150», «Ибрат», «Наманган-34», С-6541, С-8284, «Истикбол С-9085 ва С-8286 гўза навлари Президентимизнинг 2014 йил 18 февралдаги «2014 йилда гўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогност ҳажмлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қарийб 980,0 минг гектар майдонга экилди.

Истикболли «Наврўз» нави Тошкент вилоятида 3000, Сирдарё вилоятида 800, Жиззах вилоятида 500, «Пахтакор-1» нави Жиззах вилоятида 4190, С-9085 гўза нави Қорақалпоғистон Республикасида 4000, «Жарқўрғон» нави Сурхондарё вилоятида 1000, С-2612 нави 105, Наманган вилоятида С-8295 нави 45, Хоразм вилоятида С-8294 нави 1300, «Истикбол-14» нави Анджон ва Сурхондарё вилоятларида 450, районлашган «Анджон-37» нави Анджон, Фарона, Наманган ва Тошкент вилоятларида жами 3,5 минг гектар майдонга экиб парваришланяпти. Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос янги «ЎзПТИ-103» нави мазкур ҳудудда 100 гектар, «ЎзПТИ-201» нави Анджон вилоятида 8,0, «ЎзПТИ-202» гўза нави бўйича 10 гектар майдонда бирланиш уруғчилиги ташкил этилган.

Ҳозирда институт ва унинг илмий-тадқиқот станцияларида яратилган 32 та ҳосилдор, тезпишар янги гўза нави қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси шохобчаларида синовдан ўтказилаяпти.

— Уруғчилик ва селекция иши узок давом этадиган мураккаб жараён. Нисбатан қисқа муддатда юқорида санаб ўтилган навларни яратишга осонликча эришилмагани табиий. Шундай эмасми?

— Тўғри, янги нав яратиш осон эмас. Лекин аини соҳага ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётгани боис натижаларимиз ёмон бўлмаяпти. Моддий ва маънавий мадад тўғрисида кейинги йилларда уруғчилик соҳасида бир қатор фундаментал ва амалий тадқиқотлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилди.

Биринчи маротаба элита уруғлари тайёрлаш жараёнида яқка танлов ва намуна-терим материалларини ўрганиш услуби тахлил қилинди. Ушбу услуб асосида ўсимликларни яқка ҳолда ўрганиш, уларнинг оиласини намуна сифатида текшириш ётади. Бундай танловдан мақсад мазкур нава хос бўлган, яъни доминант генлар билан бошқариладиган белгиларни сақлаб қолишдир. Бир, икки қарра янги яқка танлов ва уларнинг намуна авлодлари устида яқка танлов ишларини олиб бориш нава хос бўлган асосий сифат ва миқдорий белгиларни сақлаб қолиш ва бунинг натижасида наводорликни 99,9 фоизга етказиш имкониятини беради.

Излашлар натижасида уруғлик материалларини териб олишда амалдаги услуб бўйича 8-ҳосил шохигача эмас, балки 9-10-ҳосил шохларидан ҳам териб, ҳосилни уруғлик сифатида қўллаш мумкинлиги ҳамда элита уруғлик майдонларида амалдаги услуб бўйича уруғликка жами ҳосилнинг 40 фоизини эмас, балки 60 фоизини қўллаш мумкинлиги исботланди.

Ҳозирда юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда алмашлаб экиннинг янги тизимларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, ернинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича ўтказилган тадқиқотларда гўзани бир далада қарийб 86 йил давомида муттасил экиб, ҳеч қандай ўғит қўлламай парваришланганда гектаридан 8,6 центнер пахта ҳосили олиниши аниқланди. Алмашлаб экиннинг 3:7 тизимида маъдан ўғитлардан N150, P100, K50 кг/га меъёрда қўлланилиб, гўзанинг 4-йилида бир гектар ерга 30 тонна гўнг солинган вариантда эса ҳосилдорлик 36,1 центнерни ташкил қилди.

— Юқорида мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақида ҳам гапиргандингиз. Бу борадаги натижалар қандай?

— Гўза парваришида Хаудаг, Арабдашт, Крантау, Азкамар, Каттақўрғон, Қўнғиртоғ бентонит ва глауконит кумларидан маҳаллий ўғит сифатида фойда-

ланилганда дала шароитида 6 центнер зиёд ҳосил олишга эришилди. Сурхондарё вилоятида 2300 гектар майдонда ноанъанавий агорудаларни қўллаш натижасида 800-1000 куб метр сув, 15-20 фоиз ўғит иқтисод қилиниб, пахта ҳосилдорлиги 4-5 центнерга ошди. Гўзани барг орқали озиклантиришда минерал ўғитлардан тайёрланган суспензиялар «Максам-Чирчиқ» корхонасида ишлаб чиқариладиган КАС (карбамид-аммиакли селитра-30% N), «Самарқандимё» ОАЖда ишлаб чиқариладиган тайёр ҳолдаги суяқ ўғит, фосфорли суспензиялаштирилган суяқ селитра (ФССС) ҳамда карбонидни қўллашнинг мақбул меъёрлари белгиланди.

Тежамкор агротехнологиялар — олти қаторли сеялка ва культиватор билан гўзани паваришлаш технологияси жорий қилинди. Бунда меҳнат унумдорлиги 30-35 фоизга ошиши, ёнилғи-мойлаш материалларининг 20-22 фоизга тежалиши, эгат бўйлаб тракторлар ҳаракат сони 30-32 фоизга камайиши, меҳнат сарфи 10 соатга тежалиши, пахта ҳосилдорлиги 3-4 центнерга ошиши ва рентабельлик даражаси 35-40 фоизга етганлиги аниқланди. Ҳозирда ушбу технология Нарпай туманидаги «Хамидов Нурбек» фермер хўжалигининг 64 гектар, Оқдарё туманидаги «Хўжабод Қарқарали» фермер хўжалигининг 36 гектар, Юқоричирчиқ туманидаги «Фародис хирмони» фермер хўжалигининг 76 гектар майдониде синовдан ўтказилмоқда.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш, биостимуляторлар билан ишлов бериш, гўзани кимёвий чилиш, кўсақлар пишиб этилиши даврида ўсимликка замонавий ишлов бериш, хорижий ҳамда маҳаллий захарсиз дефолиантларни тупроқ-иқлим шароити, гўза навларининг морфологик ва биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўллашнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилди.

Муҳтасар айтганда, институти жамоаси пахта ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун бор имкониятларини сафарбар этишга ҳаракат қилмоқда.

Мусурмон РЎЗИЕВ суҳбатлашди.



## «ХОРАЗМПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

Ўзбекистон аҳолисини энг улуг, энг азиз байрам, қутлуғ тарихий сана — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги билан самимий табриклайди. Барчангизга мустақкам соғлиқ, Ватанимиз раванқи, унинг гуллаб-яшнаши йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилаб қоламиз.



БЕПУЛ РЕКЛАМА ИЛОВАСИ



## ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «САВДОГАР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз аҳлини ҳамда  
ўзининг кўп сонли миждозларини  
ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНИНГ  
23 ЙИЛЛИГИ*

*билан мувофаққод этади.  
Хонадонинизга кут-барака,  
ишларинизга фивож тилаймиз.  
Омад ва муваффақият  
доимий ҳамроҳиниз бўлсин!*



## «ХОРАЗМ ГИЛАМЛАРИ»



масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*барча  
юртдошларимизни  
Истиқлолнинг 23  
йиллик байрами билан  
қизғин табриклайди.  
Жаннатмакон  
диёримизнинг гуллаб-  
яшнаши, халқимиз  
фаровонлиги,  
мустақиллигимизни  
мустаҳкамлаш йўлида  
амалга ошираётган эзгу  
ишларингизда  
муваффақиятлар  
тилаймиз.*



## Булунғур тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонаси жамоаси

*Ўзбекистон халқини  
Истиқлолимизнинг  
23 йиллиги билан  
самимий қутлайди.  
Ана шундай шукуҳли  
кунларда барчангизга  
хушкайфият,  
хонадонларингизга  
тинчлик-хотиржамлик,  
оилаларингизга тотувлик  
тилаб қоламиз.*



*Ягонасан, муқаддас Ватаним, севи ва садоқатим сенга бахшида, ўзгал Ўзбекистоним!*

# ҚУТЛОВ

БЕПУЛ РЕКЛАМА ИЛОВАСИ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## XX асрни қаритган Арипа ая

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги Хаста Имом маҳалласи. Гулу районининг муаттар бўйи анқиб турган ўзбекона файзли ҳовлига кириб борар эканмиз, юзу кўларидан нур ёғилиб турган 103 ёшли онахон, «Шухрат» медали совриндори Арипа ая Саидусмонова илиқ табассум ила қарши олди. Қариндош-уруғлари кўни-кўшнилари ардоғидаги аянинг нурли сиймосига боқиб, хонадонларимизнинг файзи бўлмиш нуронийлар саломатлиги — бу ажиб бахт эканлигига яна бир қарра амин бўлдик

Рисолат МАДИЕВА,  
«XXI asr»

Умр дафтаридида иккинчи асрнинг доволари ўтиб бораётган онахоннинг аҳил ва иноқ оиласига ҳамма ҳавас қилади. Беш нафар фарзандни эл қорига ярайдиган қилиб тарбиялаган ая бугун ўн саккиз неварга, қирқ бир

эвара, ўн бир чеваранинг суюкли бувижониси сифатида умргузаронлик қилмоқда.

— Онахонимиз бор экан, биз хотиржам ишлаймиз, болалар тарбиясидан кўнглимиз тўқ, — дейди Арипа аянинг 64 ёшни қаршилаган кенжа ўғли Салоҳиддин ака. — Уйимизнинг ёниқ чирои, ҳаммаша суюнгувчи маслаҳатгўйимиз ҳам мўътабар воли-

дамит бўлади.

Босиб ўтган ибратли умри давомида сабр ва меҳнат инсон ҳаётига ўзгача зеб беришига бир неча мартаба ишонч ҳосил қилган онахон қадоқ қўлларини дуога очганча шукрона келтиради.

— Тинчлик — улугъ неъмат, — дейди Арипа ая. — Биз кўрган кунлар ортда қолиб, осойишта замонларга етганимизга шукр.

Нуронийларнинг кадр-қиммати, хурмат-эҳтиромини юксакларга кўтарётган давлатимиз янаям ривож топсин.

Ватанимизнинг обод, халқимиз турмушининг фаровон бўлиши, фарзандларимизнинг нурли истиқболи айнан А.Саидусмонова каби нуронийларнинг дуолари ила тўлиқ, деган ўйда ая билан хайрлашдик...

## Сифат — маҳсулот кўзгуси

Кўқон азалдан ўзининг тарихий обидалари, дилкаш одамлари билан ном қозониб келган. Мустақиллик йилларида кўҳна шаҳар янада тараққий этиб, бутунлай ўзгача чирой, ўзгача нуфузга эга бўлди. Азалдан ишбилармон, тадбиркорларга бой кент аҳли истиқлол шарофати билан дунёга кўз-кўз қилса арзигулик маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади

Зиёдулла МҰМИНОВ,  
«XXI asr»

Хозирда шаҳарда 3 миндан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сонининг йилдан-йилга ошиб бориши натижасида кўплаб иш ўринлари яратилди. Табиийки, бу жараён синов ва сертификатлаштириш соҳаси мутахассислари зиммасига катта масъулият юклайди. Бойси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати учун жойларда фаолият кўрсатаётган мазкур соҳа вакиллари масъулдирлар.

Буни чуқур ҳис этган «Кўқон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси жамоаси ўз фаолиятини йилдан-йилга такомиллаштириб, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирмоқда.

— Президентимизнинг

2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аксарият корхоналарда мутахассисларимиз томонидан мониторинг ўтказилиб, сифатни бошқаришнинг замонавий тизимини жорий этиш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда, — дейди марказ директори Маъруфжон Азимов. — Бугунги кунда Кўқон шаҳри ва атроф туманлардаги бир қатор корхоналарда ISO: 9001, яъни халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий этилган бўлиб, уни амалга оширишда марказимиз ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Мазкур корхоналарнинг кейинги фаолияти иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиб кўрилганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, харидорларга етказиб бериш миқдори сезиларли даражада



кўпайгани маълум бўлди. Энг муҳими, корхоналарда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Натижада уларнинг сифати яхшиланиб, салмоғи кўпайди. Ички бозорда импорт қамайиб, экспорттоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми орта бошлади. Масалан, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида тадбир-

корларнинг сертификатлаштиришга оид 352 та мурожаати кўриб чиқилиб, 459 та маҳсулотга мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди.

Энг азиз ва энг улугъ байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида «Кўқон синов ва сертификатлаштириш маркази» барча қулайликларга эга янги бинога кўчиб ўтди. Кўқон

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Марказнинг диққат марказидаги масалалар

Тайёр маҳсулотлар сифатини юқори даражада ушлаб туриш, унинг истеъмолчилар талаби асосида ишлаб чиқарилишини таъминлаш кўп жиҳатдан «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг худудий марказлари фаолиятига боғлиқ

Бинобарин, «Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси мутахассислари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган, десак муболага бўлмайди. 2013 йилнинг ўзида марказ томонидан қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича 2200 дан ортиқ ҳужжат расмийлаштирилган бўлса, жорий йилнинг олти ойи мобайнида тадбиркорларнинг ариза-муурожаатларига асосан 1396 та мувофиқлик сертификати топширилди.

Мазкур марказ саъй-ҳаракати билан вилоятдаги «Агро-машсервис», «Bukhara-Biznes», «Бухоро техно текс», «Реал фрукт продукт», «G'ijduvon Gofroyashik Servis», «Сухроб савдо бизнес плюс», «Oniks-Tekhnaladka-Servis», «Шофиркон эквоториал текс», «Gala Osiyo Atlas Tekstil» масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, «Sarbo Pluss Kavon», «Касатка» хусусий корхоналарига ISO: 9001 Халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар яқинида етказилаётир. Корхона лабораторияларида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол товарлари, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, нон ва нон маҳсулотлари, махсус кийимлар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари белги-ланган муддатлардан кечиктирилмаган ҳолда сертификатлаштирилмоқда.

Эътиборлики, 2013 йил давомида марказ лабораторияларида қарий 120 миллион сўмлик маҳсулот синовдан ўтказилган бўлиб, текширув натижаларига кўра, 10 миллион сўмлик маҳсулот тегишли талабларга қисман

жавоб бермаслиги аниқланган. Мутахассислар томонидан ана шу камчиликлар бар-тароф этилгандан кейингина маҳсулотларга мувофиқлик сертификати берилган.

— Дарҳақиқат, вилоятимизда маҳсулотлар экспорти салмоғи йил сайин ортиб бормоқда, — дейди «Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори Ризамат Қаҳҳоров. — Ўз навбатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг харидорлигини таъминлаш баробарида ички бозоримизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилишга ҳам аҳамият берилаётганини айтиб ўтишни истардим. Бу каби вазифаларнинг адо этилишида хизмат кўрсатувчи, шунингдек, назорат қилувчи идора сифатида марказимизнинг ҳам ўз ўрни бор.

Шу ўринда «Ўзстандарт» агентлиги режа-дастурига асосан, синов лабораторияларимиз замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланиб, мавжудлари модернизациялаштирилаётганини таъкидлаш даркор. Харид қилинган замонавий ускуналар ёрдамида маҳсулотларнинг синов ишлари белги-ланган муддатларда олиб борилапти. Бу эса, табиийки, тадбиркор ва ишлаб чиқарувчининг вақтини тежаш имконини бериб, иш унумдорлигини ошириш омили бўла-япти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйи-

ча марказнинг «Сифатни бошқариш тизимини жорий этиш» бўлими мутахассислари томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Натижада бугунги кунда вилоятда ISO: 9001 сифатни бошқариш тизимини жорий этган ҳолда фаолият юритаётган «Рушан Текс», «Бухоро Камфорт Текстил», «Элёр Шабнам Текс» масъулияти чекланган жамиятлари сингари 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъектининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиб кўрилганда, сифатни бошқариш тизимини жорий этилгандан сўнг маҳсулотни харидорларга етказиб бериш миқдори ортгани маълум бўлган. Шунингдек, корхоналарда импорт ва экспорт ўрини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, кўшимча иш ўринлари яратилган.

— Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 100 га яқин корхонада марказ мутахассислари томонидан мониторинг ўтказилиб, уларда ҳам сифатни бошқариш тизимини жорий этишга ҳозирлик кўрилмоқда, — дейди Р.Қаҳҳоров. — Умуман олганда, кейинги вақтда вилоятдаги аксарият тадбиркорлар, мутахассислар, инженер-техниклар сифатни бошқариш тизимларини ўз корхоналарида жорий этишга қизиқиш билдиришяпти. Сабаби — улар бугун дунёда мазкур тизим йўлга қўйилган корхона маҳсулотлари харидориги бўлаётганини кўриб туришибди.

Ўз мухбиримиз.



## «ШҰРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси

*барча юртдошларимиз ва ҳамкорларимизни қутлуғ сана — мамлакатимиз мустақилликка эришганига 23 йил тўлиши муносабати билан самимий қутлайди. Ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, осойишталик, порлоқ келажгимиз йўлидаги яратувчанлик ишларида улкан зафарлар йўлдош бўлишини тилаймиз.*

**Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!**